

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида:*

**УДК: 616.12-005.4:616.155.2-005.1-08:085.22**

**ХОДЖАНОВА ШАХНОЗА ИСКАНДАРОВНА**

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ МАВЖУД БЕМОРЛАРДА  
ТРОМБОЦИТЛАР ГЕМОСТАЗИ ВА АСПИРИН РЕЗИСТЕНТЛИГИГА  
ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илемий даражаси олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: ЎзФА академиги, т.ф.д., профессор А.Л.Аляви**

**Тошкент - 2021**

## **МУНДАРИЖА**

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР РҮЙХАТИ.....	4
КИРИШ .....	6
I БОБ. ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИДА ТРОМБОЦИТЛАР ГЕМОСТАЗИ ҲАМДА АСПИРИНГА РЕЗИСТЕНТЛИК ҲОЛАТЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ, ДИАГНОСТИКАСИ ВА КАСАЛЛИК КЕЧИШИДАГИ АҲАМИЯТИ .....	15
§1.1. Юрак ишемик касаллиги: муаммонинг замонавий ҳолати .....	15
§1.2. Юрак-қон томир касалликларининг бирламчи ва иккиламчи олдини олишда ацетилсалицил кислотанинг роли .....	19
§1.3. Юрак ишемик касаллигига аспиринга резистентлик муаммоси .....	22
§1.4. Тромбоцитлар функциясини баҳолаш усувлари .....	29
§1.5. Юрак ишемик касаллигига яллиғланиш цитокинларининг аҳамияти	33
I БОБ. ЮРАК ИШЕМИЯСИ КАСАЛЛИГИДА ТРОМБОЦИТАР ГЕМОСТАЗ ВА АСПИРИНГА РЕЗИСТЕНТЛИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ МАТЕРИАЛ ВА УСУЛЛАРИ .....	37
§2.1. Тадқиқот обьекти .....	37
§2.2. Фойдаланилган текширув усувлари тавсифи .....	41
§2.3. Статистик таҳлил .....	47
III БОБ. ШАХСИЙ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ .....	49
§3.1. Юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда тромбоцитлар агрегацияси ва аспириннинг унга таъсирини баҳолаш.....	49
§3.2. Юрак ишемик касаллиги бўлган аспиринга резистент ҳамда унга сезгири беморларда клиник-лаборатор кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили .....	55
IV БОБ. ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИДА ТУРЛИ КАРДИОВАСКУЛЯР ХАВФ ОМИЛЛАРИНИНГ ВА ЯЛЛИҒЛANIШ ОЛДИ ЦИТОКИНЛАРИНИНГ ТРОМБОЦИТЛАР ФУНКЦИОНАЛ ФАОЛЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ .....	61
§4.1. Юрак ишемияси касаллиги мавжуд bemorларда тромбоцитлар агрегациясининг турли кардиоваскуляр хавф омиллари билан боғлиқлиги	61
§4.2. Юрак ишемик касаллиги мавжуд bemorларда яллиғланиш олди цитокинларининг тромбоцитлар агрегациясига таъсири .....	74

§4.3. Юрак ишемик касаллиги мавжуд bemорларда аспиринга резистентликка таъсир этувчи хавф омиллари.....	78
ХОТИМА.....	89
ХУЛОСАЛАР .....	101
АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР .....	103
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	104

## **ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР РҮЙХАТИ**

ААФ	– ангиотензин айлантирувчи фермент
АГ	– артериал гипертензия
АДФ	– аденоzinдинифосфат
АКШ	– аорта-коронар шунтлаш
АР	– аспиринрезистентлик
АСК	– ацетилсалицил кислота
АҚБ	– артериал қон босими
ЗПЛП	– зичлиги паст липопротеидлар
ЗЖПЛП	– зичлиги жуда паст липопротеидлар
ЗЮЛП	– зичлиги юқори липопротеидлар
ИККС	– инфарктдан кейинги кардиосклероз
МИ	– миокард инфаркти
МКМОЛЬ	– микромоль
ММ.СИМ.УСТ	– миллиметр симоб устуни
ММОЛЬ/Л	– милли моль/литр
СДҮ	– сүнгти диастолик ҳажм
СДХ	– сүнгти диастолик ҳажм
ССҮ	– сүнгти sistолик ўлчам
ССХ	– сүнгти sistолик ҳажм
СЮЕ	– сурункали юрак етишмовчилиги
ТА	– тромбоцитлар агрегацияси
ТБЗ	– тромбоцитларга бой зардоб
ТВИ	– тана вазни индекси
ТГ	– триглицеридлар
ТКЗ	– тромбоцитлари кам зардоб
ТЗС	– турғун зўриқишиш стенокардияси
ФС	– функционал синф
ЧҚ	– чап қоринча

ЧҚОФ	–чап қоринча отиш фракцияси
ЭКГ	– электрокардиография
ЭхоКГ	– эхокардиография
ТҚФВ	–тромбопластиннинг қисман фаоллаштирилган вақти
ЮИК	– юрак ишемик касаллиги
ЮҚҚ	– юрак-қон томир касалликлари
ЮҚС	–юрак қисқаришлар сони

## **КИРИШ**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим ижтимоий муаммоларидан бири бўлиб, жаҳон аҳолиси орасида ўлим ва ногиронликнинг етакчи сабабларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларда «...ЮИК патогенезида тромбоцитар гемостаз тизимидағи бузилишлар ва аспиринга резистентликнинг юзага келиши ишемик ҳодисалар хавфини деярли икки баробар ошириши тасдиқланган...»<sup>1</sup>. Аспиринга резистентлик тарқалганилиги жуда кенг доирада 4% дан 60% гача ўзгариб туради. ЮИК билан оғриган беморларда эса 29% гача ҳолатда аспиринга резистентлик қузатилади. Аспиринга резистентликнинг мавжудлиги ЮИКда антиагрегант самарадорликнинг пасайишига ва тромботик асоратлар эрта ривожланишига олиб келади. Бу ЮИК давосини назорат қилиш, ўз вақтида монанд антиагрегант даво режасини тайинлаш, юрак қон-томир касалликлари асоратлари натижасида ўлим ва ногиронлик ҳолатларини камайтиришга қаратилган замонавий ёндашувлар ишлаб чиқилишини тақозо қиласди.

Жаҳонда сўнгги йилларда ЮИК бўлган беморларда юрак-қон томир касаллигидан келиб чиқадиган асоратлар ва ўлим хавфи ошишининг олдини олишга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ҳалокатли ва ҳалокатли бўлмаган асоратларни камайтиришда тромбоцитар-томир тизими ўзгаришларини эрта аниқлаш усулларини муқобиллаштириш муҳимдир. Бунда антиагрегант даво умум қабул қилинган бўлиб, асосий базис дори аспирин (АСК) ҳисобланади. Афсуски, аспиринга резистентлик ривожланганда унинг фойдаси етарли бўлмайди. Шу туфайли, ЮИК мавжуд беморларда клиник ва биокимёвий кўрсаткичлардан ташкил топган кардиоваскуляр хавф омиллари ҳамда яллиғланиш олди цитокинларининг тромбоцитар гемостаз кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқликларини аниқлаш,

---

<sup>1</sup> Serkan Kahraman, Ali Dogan, Murat Ziyrek, et al. The association between aspirin resistance and extent and severity of coronary atherosclerosis. // North Clin Istanb.- 2018-Vol. 5(4).-P. 323–328.

аспиринга резистентликка таъсирини баҳолаш ва олинган натижалар асосида тавсиялар яратиш тиббиётда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, жаҳон андозалари талабларига мос қилиб шакллантириш, аҳоли орасида кардиологик касалликларни камайтиришга қаратилган вазифалар белгиланган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ҳамда оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...<sup>2</sup> » каби муҳим вазифалар тиббиёт ходимлари зиммасига юкланмоқда. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли даражадаги кардиологик касалликларни тарқалиши, ташҳисоти ва даволаш ишида замонга мос тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга олиб чиқиш ва бунда сифатли, замонавий технологияларни қўллаш орқали тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш касалликлар асоратлари натижасидаги юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ–4063-сон «2019–2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда ушбу фаолиятга таалуқли бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишлариға мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологияларни ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда одатий антитромботик моддаларга салбий жавоб кўрсатадиган шахсларда атеротромбознинг юқори хавфини тасдиқловчи далиллар сони тобора ортиб бормоқда. Ушбу гурӯҳ bemорларда юрак-қон томир ҳодисалари – миокард инфаркти (МИ), мия қон айланишининг ўткир бузилиши, тўсатдан ўлим ҳолатлари кузатилади (Mason P.J. 2002, Dretzke J., 2015, Serkan K., 2018). HOPE (The Heart Outcomes Prevention Evaluation study Investigators, 2000), PLATO (A Platelet Inhibition and Patient Outcomes, 2010), комбинирланган ROC таҳлил (combined receiver operator curve, 2013) каби йирик марказий тадқиқотларда антиагрегант препаратларнинг тромбоцитлар функционал фаоллигини етарлича ингибирламаслиги ўлим кўрсаткичи, миокард инфаркти ва стент тромбозларни оширувчи етакчи сабаблардан бири эканлиги аниқланган.

Шунингдек, тадқиқотчилар томонидан тромбоцитлар агрегацияси юқори кўрсаткичлари ва ишемик ҳодисалар ўртасида ўзаро ахамиятли боғлиқликлар мавжудлиги исботланган (Ch.Hennekens et al., 2004; D.Sibbling, 2010; T.Geisler, 2010; N.J.Breet, 2010; Working Group on High On-Treatment Platelet Reactivity, 2010). АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси *in vivo* усулида текширилганда ЮИК мавжуд bemорларнинг 19% ида (P.A.Gum, 2003) ҳамда соғлом инсонларнинг 8,3% ида (M.M.Salama, 2012) аспирин умуман таъсир қилмаслиги аниқланган ва аспиринга резистентлик сабаби гипертромбоцитоз, Виллебрант омил даражаси (Y.Wang, 2012), ЦОГ – 1, 807T ёки PI A1/A2 генлари полиморфизми (J.A.Cambria-Keily, 2002), аспирин фармакокинетикасининг пасайиши (S.Coccheri, 2012), клиник хусусиятлар (S.B.Larsen, 2015; X.F.Liu, 2013) ва молекуляр ўзгаришлар (M.K.Freynhofer,

2015) билан боғланган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда юрак қон-томир касалликларида гемостаз тизимидағи ўзгаришларни ўрганишга қаратилган қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Академик А.Л.Аляви бошчилигига олимлар томонидан ЮИКда гемостазнинг клиник-патогенетик ва функционал-метаболитик механизмлари регуляцияси ҳамда уларнинг фармакологик коррекцияси бўйича илмий изланишлар айни кунларда ҳам давом эттирилмоқда. Жумладан, ЮИКда простациклин-тромбоксан нисбати тромбоксан миқдори ошиши ҳисобига бузилиши, миокард инфакти ўтказган bemорларда тромбоцитлар агрегацияси даражаси юқори бўлиши аниқланган (Р.Ю.Каттаханова, 2019). ЮИКнинг клиник шаклидан қатъий назар, тромбоцитлар агрегацияси юқори бўлиши ва ЮИК оғирлик даражаси ошишига боғлиқ ҳолда спонтан тромбоцитлар агрегацияси ўсиши кузатилиши исботланган (Н.П.Юлдашев, 2019). ЮИК ва гипертония касаллигига тромбоцитлар агрегациясининг юқори даражалари ҳамда юрак қон-томир асоратлари ривожланиш хавфи тромбоцитлардаги NO тизими бузилишлари ва сийдик кислота даражасининг ошишига боғлиқлиги қайд этилган (А.К.Абдулаев, И.Р.Мавлянов, 2015). Аммо ЮИК турғун зўриқиши стенокардиясида (ТЗС) антиагрегант даво фонида юзага келувчи аспиринга резистентлик ҳолати ва бунда тромбоцитлар агрегацияси ҳамда аспиринга резистентликка таъсир кўрсатувчи омиллар Ўзбекистон шароитида ҳанузгача тадқиқ этилмаган.

Клиник амалиётда аспиринни қабул қилувчи bemорларда объектив клиник-лаборатор мезонлар асосида келиб чиқадиган аспиринга резистентликни ўз вақтида лаборатор ташхислаш замонавий тиббиётдаги охиригача ҳал қилинмаган муаммоларидан бири ҳисобланади. ЮИКда антиагрегант даво самарадорлигини биринчи навбатда қон агрегат тизимининг тромбоцитар-томир қисмини ўрганиш орқали баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида аспиринга резистентлик шаклланишининг юқори хавфи бўлган bemорлар гурухини аниқлаш ҳамда

юрак-қон томир касалликлари асоратларининг олдини олишга қаратилган даволаш тактикасини белгилаш имконини беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ № 01070070 рақамли «Юрак ва буйрак касалликларида функционал ва метаболик бузилишларнинг клиник-патогенетик аспектлари» (2019–2022 й.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ацетилсалицил кислотани қисқа ва узок муддат қабул қиласидиган юрак ишемик касаллиги турғун зўриқиши стенокардияси II-III функционал синфи билан оғриган беморларда тромбоцитлар функционал ҳолатини баҳолаш ва аспирин резистентликка таъсир этувчи хавф омилларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ЮИК ТЗС II-III функционал синфи (ФС) билан оғриган беморларда тромбоцитлар агрегацион фаоллигини аниқлаш ва АСКнинг тромбоцитлар агрегациясига таъсирини баҳолаш;

ЮИК ТЗС II-III ФС да турли кардиоваскуляр хавф омиллари (ёш, жинс, чекиш, дислипидемия, артериал гипертензия, семизлик, қандли диабет) нинг тромбоцитлар функционал фаоллиги ва аспирин резистентлигига таъсирини аниқлаш;

ЮИК ТЗС II-III ФС билан оғриган беморларда тромбоцитлар агрегацияси ва липид спектр кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни аниқлаш;

ЮИК ТЗС II-III ФС билан оғриган беморларда яллиғланиш олди цитокинлари интерлейкин (ИЛ) – 1 $\beta$ , ИЛ – бнинг тромбоцитлар гемостази ва аспирин резистентлигига таъсирини баҳолаш;

ЮИК ТЗС II-III ФС билан оғриган аспиринга резистент ва аспиринга сезгир беморларда клиник-лаборатор кўрсаткичларини солишишима тахлилини ўтказиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида 2019–2020 йилларда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази клиникаси кардиология бўлимида даволанган 116 нафар ЮИК ТЗС II–III ФС билан касалланган bemорлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ЮИК мавжуд bemорларнинг клиник ҳамда биокимёвий таҳлиллари учун, тромбоцитлар агрегацияси текшируви ва интерлейкинлар миқдорини баҳолаш мақсадида қон зардоби ва электрокардиография (ЭКГ) ва эхокардиография (ЭхоКГ) текширувларининг натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуслари.** Тадқиқотда умумий клиник текширув усуслари, дорига мувофиқлик сўровномаси, умумий қон таҳлили, қон биокимёвий таҳлили, коагулограмма, липид спектр кўрсаткичлари, тромбоцитлар агрегацияси текшируви, ИФА (ИЛ-1 $\beta$  ва ИЛ-6), асбобий (ЭКГ, ЭхоКГ) ва статистик усуслардан фойдаланилган.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор юрак ишемик касаллигига спонтан ва АДФ-индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари ва агрегация эгриликларидағи ўзгаришларни аниқлаш орқали аспиринга резистентлик ҳолати аниқланган;

юрак ишемик касаллигига аспирин билан даволашнинг 5 йилдан ортиқ давом этиши тромбоцитлар агрегация кўрсаткичларининг ошиши аспиринга резистентлик хавфи билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

кардиоваскуляр хавф омилларининг гемостаз тизимига бевосита комплекс таъсири натижасида қонда тромбоцитлар агрегацияси ўзгаришлари билан семизлик, дислипидемия ва ёндош қандли диабет орасида ўзаро боғлиқлик борлиги асосланган;

аспиринга резистентлик мавжуд юрак ишемик касаллиги билан оғриган bemорларда яллигланиш олди цитокинлари Ил-1 $\beta$  ва Ил-6 титрларининг юқорилиги ва уларнинг гиперагрегация даражаси билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

юрак ишемик касаллигига аспиринга резистентликни тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари асосида баҳолаш мезонлари шакллантирилган;

юрак ишемик касаллиги мавжуд bemорларда кардиоваскуляр хавф омилларидан семизлик, гиперлипидемия, ёндош қандли диабетнинг ва аспирин қабул қилиш давомийлигининг биргаликдаги тромбоцитлар гемостазига таъсири ва аспирин резистентликни келтириб чиқариши асосланган;

юрак ишемик касаллиги билан оғриган bemорларда хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда аспиринга резистентлик хавф даражасини аниқлаш учун электрон дастур яратилган;

тадқиқот натижасида аспиринга резистентлик мавжуд bemорларни олиб бориша хавф омилларини бартараф этиш ва олдини олиш орқали аспиринга резистентлик хавфини камайтириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ушбу тадқиқот ишида кўлланилган назарий жиҳатдан ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий томондан тўғрилиги, текширилганларнинг сони етарли эканлиги, кўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга замонавий компьютер технологиялари қўллаб статистик ишлов берилганлиги, тадқиқот натижаларининг маҳаллий ҳамда халқаро адабиётлар билан солиштирилганлиги, чиқарилган хуносалар ва тадқиқотдаги натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ЮИК билан оғриган bemорларда тромбоцитлар агрегацияси уларнинг клиник, анамнестик ва лаборатор кўрсаткичлари, яъни bemорлар ёши, семизлик, қандли диабет каби ёндош касалликлари, аспирин қабул қилиш давомийлиги, липид спектр кўрсаткичлари ўзгаришлари ўртасида ўзаро боғлиқлик борлиги ҳамда яллиғланиш олди цитокинлари – ИЛ – 1 $\beta$  ва ИЛ – 6 кўрсаткичлари ўзгаришларининг гемостаз тизими ва аспиринга резистентлик билан

боғлиқликлари борлиги асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўлга киритилган натижалар асосида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар ЮИКда антиагрегант даво самарадорлигини ошириш, касаллик ривожланишини секинлаштириш ва касаллик оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** ЮИКда тромбоцитар гемостаз ҳолати ва аспиринга резистентликка таъсир қўрсатувчи омилларни аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

ЮИКда аспиринга резистентлик бўйича олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган «ЮИКда аспиринга резистентликнинг диагностика усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 24 майдаги 8н-р/419-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кардиология ва терапия амалиётида ташхис қўйиш, комплекс даволашда антиагрегант препаратлардан фойдаланишининг аспиринга резистентлик ҳолатини инобатга олиш орқали беморларда даво самарасини ошириш имконини берган;

ЮИКда антиагрегант давога мувофиқликни аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «ЮИКда аспиринга мувофиқликни аниқловчи сўровнома усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 24 майдаги 8н-р/420-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кардиология ва терапия амалиётида ЮИКда антиагрегант даво самарасига таъсир этувчи омилларни эрта аниқлаш ва бартараф этиш орқали касаллик асоратларини камайтириш имконини берган;

ЮИК билан оғриган bemorlarда тромбоцитlar гемostazi va аспиринга резистентликка таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳридаги Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази кардиология бўлими ҳамда Навоий шаҳридаги

вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 ноябрдаги 08-09/17922-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши ЮИКда даво самарадорлигини ошириш ҳамда юрак қон-томир ўткир асоратлари ва ўлим қўрсаткичларини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бетни ташкил этади.

# **І БОБ. ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИДА ТРОМБОЦИТЛАР**

## **ГЕМОСТАЗИ ҲАМДА АСПИРИНГА РЕЗИСТЕНТЛИК**

## **ҲОЛАТЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ, ДИАГНОСТИКАСИ ВА**

## **КАСАЛЛИК КЕЧИШИДАГИ АҲАМИЯТИ**

### **§1.1. Юрак ишемик касаллиги: муаммонинг замонавий ҳолати**

Ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида ЮИК энг муҳим ижтимоий муаммолар рўйхатида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда, шунингдек, асоратлар тарқалиши ва хавфи бўйича дунё аҳолисининг вақтинчалик ва доимий ногиронлигига олиб келувчи асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда. Европа кардиологлари уюшмаси маълумотларига кўра касаллик узоқ вақт барқарор ҳолатда бўлади, лекин атеросклеротик пилакча ёриши ёки эрозияси туфайли ҳар қандай вақтда у беқарор бўлиб қолиши мумкин. Шунга қарамай, касаллик сурункали, кўпинча аста-секин ривожланиб борувчи ва ҳатто клиник жиҳатдан намоён бўлмаган даврларда ҳам жиддий ҳисобланади [110; 407–477-б.].

Ўзбекистонда ЮИК билан катта ёшдаги аҳолининг 11% га яқини касалланади. Framingham тадқиқоти маълумотларига кўра турғун зўриқиши стенокардияси оқибатида 14,3% эркаклар ҳамда 6,2% аёллар миокард инфаркти (МИ) билан касалланган ва ўлим кўрсаткичи эркакларда 5,5%, аёлларда 3,8%ни ташкил этган [89; 272–281-б.].

ТЗС ЮИКнинг энг кенг тарқалган клиник шакли бўлиб, Европа ва Америка Қўшма Штатларида унинг тарқалганлиги 3–4% атрофифа ўзгариб туради ва юзага келиш тезлиги ёшга кўра ўсиб боради. Ушбу юрак касаллигининг юқори тарқалиш даражасига боғлиқ ҳолда МИ ва бошқа салбий оқибатлар ривожланиш хавфи ҳам ортиб боради ҳамда турғун зўриқиши стенокардияси бўлган беморларда унинг йиллик ўлим кўрсаткичи 2% ни ташкил этади [48; 5–81-б.].

ТЗС ишемия ёки гипоксияга олиб келувчи миокарднинг кислородга бўлган талаби ва кислород билан таъминланиши ўртасидаги

мутаносибликнинг бузилиши натижасида келиб чиқувчи ҳамда қайта хуружлар билан характерланувчи касаллик ҳисобланади. Юрак ишемик касаллиги 2019 йилги Европа кардиологлари тавсияларига кўра, "юрак коронар касаллиги" деб аталиб, эпикардиал артерияларда атеросклеротик пилакчаларнинг мавжудлиги ва бунда жараённинг обструктив ёки нообструтив намоён бўлиши билан тавсифланади. Ушбу касалликнинг ривожланиш хавфи, айниқса, артериал гипертензия, липид алмашинувининг бузилиши, семизлик, сурункали стресс, камҳаракатлик, чекиш каби омилларга эга бўлган одамларда ортади. Бир нечта хавф омилларининг мавжудлиги касаллик кечишини янада оғирлаштириши мумкин [27; 1–6-б.].

ЮИК асосида ётувчи атеросклероз кўп омилли келиб чиқишига эга бўлиб, нафақат атеросклеротик пилакчанинг ҳажми, балки тромб ҳосил бўлиши ҳам касаллик ривожланишининг сабаби ҳисобланади. Сўнгги йилларда бу жараёнда иштирок этувчи механизmlар фаол ўрганилмоқда. Атеросклероз ва тромбоз ўртасидаги муносабатларнинг кўплаб ишонарли далиллари атеротромбоз тушунчасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Атеротромбоз механизмида етакчи ролни коронар томирлар интима қисми бутунлигининг бузилишига олиб келувчи атеросклеротик ва яллиғланишли зарарланиши эгаллади. Коннинг ивиш хусусиятлари ўзгариши гиперкоагуляцияга олиб келади. Тромбоцитлар ва қизил қон хужайраларининг ёпишқоқлик ва агрегация фаолияти ортади. Гиперкоагуляция, қон оқимининг секинлашиши ва фибринолизнинг камайиши ҳам қон қуйқаси (тромб) шаклланишига олиб келиши мумкин.

Атеротромбознинг клиник кўринишлари атеросклеротик пилакча яхлитлиги сақлаганда барқарор бўлиб туради. Атеросклеротик пилакчанинг фиброз қопламаси ёрилганда нуқсон қон қуйқаси билан ёпилади, натижада миокарднинг қон билан таъминланиши беқарор ёки тўлиқ тўхташига шароит яратади [48; 5–81-б.]. Атеросклеротик пилакча

ёрилишига биринчилардан бўлиб тромбоцитлар таъсиранади ва тромб ҳосил бўлишига олиб келувчи тромбоз ҳамда яллиғланиши рағбатлантирувчи гуморал омиллар синтезининг манбаи бўлиб ҳисобланади [153; 15–22-б., 160; 1–69-б.].

Бугунги кунга келиб гемостазнинг, жумладан, тромбоцитларнинг ЮИК патогенезида энг муҳим роль ўйнаши исботланган [13; 3–6-б.]. Тромбоцитлар гемостаз ва тромбоз жараёнларида иштирок этади, шунингдек, тромбоз ҳамда атерогенез ўртасидаги муҳим боғлиқликни ифодаловчи яллиғланиш жараёнларини фаоллаштиради [100; 3378–3384-б., 125; 954–959-б.]. R.Marcucci ва бошқалар томонидан атеротромбоз – тромбоцитлар юқори реактивлиги оқибатида юзага келиши мумкинлиги аниқланган [119; 237–242-б.]. Субэндотелиал тузилмалар шикастланганда тромбоцитлар субэндотелиал қатламнинг макромолекулаларига ёпишиб қолади ва улар фаоллашади. Фаоллашган ҳолатда тромбоцитлар тромбозни рағбатлантирувчи аденоzin дифосфат, тромбин, тромбоцитлар омили III каби моддаларни ажратиб чиқаради, сўнгра тромбоцитлар агрегацияси содир бўлади ва ивиш жараёни бошланади. Буларнинг ҳаммаси артериал тромб ҳосил бўлишига асос бўлиб хизмат қиласи. Тромбоз эса клиник жиҳатдан миокард инфаркти, ўткир коронар синдром, ишемик инсульт кабиларга олиб келади. Шунинг учун гемостатик жараёнларни барқарорлаштириш юрак-қон томир тизими касалликларини даволаш ва олдини олишда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди [16; 52–57-б., 23; 32-б.].

Кўп сонли клиник ва экспериментал кузатишлар ЮИКда тромбоцитларнинг доимий фаоллашувини кўрсатади ва бу атеросклеротик томир яллиғланиши [108; 645–681-б.] ҳамда атеротромбозга олиб келади [139; 2127–2130-б.]. Бундан ташқари тромбоцитларни фаоллаштириш нафақат сурункали жараён патогенезида, балки коронар қон оқими бузилиши ва миокард зўриқишига олиб келувчи ўткир коронар синдромларда ҳам муҳим аҳамият касб этади [62; 29–35-б., 80; 754–762-б.,

81; 319–331-б.]. В.И. Ярковга кўра [64; 27–39-б.] коронар томирлар реваскуляризациясидан кейин, айниқса, артериал гипертензия (АГ) ва сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) биргаликда келганда спонтан ва АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегациясининг ошиши кузатилади ҳамда тромбоз ва рестеноз [107; 181–187-б.] ривожланишига таъсир кўрсатади. Қон қуйқаларидаги тромб-резервуарларида яллигланиш олди цитокинларининг мавжудлиги атеротромбоз ривожланишида тизимли яллигланишнинг аҳамиятини тасдиқлайди.

ТЗСни даволашда икки асосий мақсадга аҳамият берилади:

1. Касаллик башоратини яхшилаш, яъни даволаш чораларидан мақсад миокард инфаркти ёки тўсатдан ўлим юзага келишининг олдини олиш орқали умр давомийлигини ошириш.
2. Ҳаёт сифатини яхшилаш. Бунда даво чоралари оғриқ хуружлари сони ва давомийлигини камайтиришга қаратилади.

Касаллик башоратини яхшиловчи дори воситаларига антиагрегантлар, қонда липидлар миқдорини камайтирувчи воситалар ва ААФ ингибиторлари киради.

Ҳаёт сифатини яхшиловчи дори воситалари ўз ичига бета-адреноблокаторлар, кальций антогонистлари, нитратлар, If каналлари ингибиторлари ва цитопротекторларни ўз ичига олади.

ЮИК бўлган bemорларда антиагрегант терапияси комплекс даво таркибига киритилган ва унинг энг муҳим қисми ҳисобланади [52; 266–268-б.]. Атеротромбознинг клиник бўлмаган кўринишлари олдини олиш ва даволаш антитромботик терапиянинг асосий вазифаси ҳисобланади [46; 201–206-б.]. Антиагрегант дори воситаларини қўллаш тромбоцитларнинг агрегация фаолиятини пасайтиради, шунингдек, юрак-қон томир тизими инфарктдан кейинги ремоделланиш жараёнларига қарши таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, ЮИК ўзининг мураккаб патофизиологияси, bemорлар ҳаётига жиддий хавф солувчи ва ўлимига сабаб бўлувчи асоратлар

ривожланиши, касалликни даволаш ҳамда олдини олишни амалга оширишдаги қийинчиликларини ҳисобга олганда замонавий тиббиётнинг ечимини топишда доимий изланувчанликни талаб этувчи муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Муаммо ечимида касалликни даволашдага муҳим аҳамият касб этувчи гемостаз тизимидағи ўзгаришларни эрта аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар жиддий асоратлар ривожланишининг олдини олинишига сабаб бўлади.

### **§1.2. Юрак-қон томир касалликларининг бирламчи ва иккиламчи олдини олишда ацетилсалицил кислотанинг роли**

Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва асоратлари хавфини камайтириш замонавий тиббиётнинг устувор йўналиши ҳисобланади [84; 276–284-б., 106; 532–539-б., 140; 25–146-б.].

Гемостаз тизими ва асосий хавф омиллари орасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги, шунингдек, атеросклероз ҳамда унинг асоратлари ривожланиши ва кучайиб боришида гемостаз тизимининг етакчи ролини ҳисобга олсан, юрак-қон томир касалликларини нафақат даволаш, балки олдини олиш мақсадида антитромботик препаратларни тайинлаш патогенетик асосланган бўлади [28; 736-б., 150; 2261–2273-б.].

Айни пайтда қонда тромбоцитлар фаоллашуви механизмларига таъсир этувчи дорилар жуда кўп. Ҳозирги вақтда ишлатиладиган бундай препаратларнинг кўпчилиги тромбоцитлар фаоллашувининг ҳужайра ичидаги босқичларида таъсир қиласи (циклик нуклеотидлар даражасини оширади, циклооксигеназани ингибирлайди). Бошқа турдаги препаратлар эса тромбоцитлар юзасида бевосита ҳаракат қиласи ва шунинг учун фаоллашув йўлининг алоҳида босқичларини (масалан, АДФ фаоллашуви) ёки агрегацияни (фибриноген антагонистларни) қамаллайди. Қарши кўрсатмалар бўлмаса, антиагрегант терапияси атеротромбознинг клиник кўриниши бўлган bemорлар учун ЮИКда биринчи навбатда тавсия этилиши шарт [1; 46–52-б., 38; 39–44-б., 41; 86–89-б., 47; 7–79-б., 97; 166–

181-б.]. Комплекс терапияда антиагрегант воситалардан фойдаланиш ўлимнинг нисбий хавфини 16%, ҳаёт учун хавфли юрак-қон томир асоратлари кўрсаткичини 25–34% га камайтиради.

Антиагрегант препаратларнинг асосий синфларига циклооксигеназа ингибиторлари (АСК), тиенопиридинлар (клопидогрел) ва тромбоцитлар GP IIb/IIIa- рецепторлари ингибиторлари (абциксимаб) киради [148; 1933–1949-6.].

Бугунги кунда АСК клиник самарадорлиги кўплаб клиник тадқиқотлар билан тасдиқланган ягона антиагрегант ҳисобланади [5; 4–8-б., 6; 103–107-б., 7; 26–27-б., 14; 26–38-б., 17; 39–42-б., 26; 8–14-б., 59; 1567–1571-б.].

АСК 1887 йилда немис кимёгари Феликс Хоффман томонидан синтез қилинган бўлса-да, 1971 йилдан бери юрак қон-томир касалликларини даволаш ва олдини олишда антиагрегант сифатида қўлланилиб келинади [100; 3378–3384-б.]. Турли томир хавзалари артериялари шикастланишлари фатал асоратларининг бирламчи ва иккиламчи олдини олишда АСКни қўллаш самарадорлиги кўп сонли назорат қилинувчи клиник тадқиқотларда тасдиқланган [94, 96; 1635–1701-б., 109; 531–575-б., 144; 242–246-б., 122; 863–871-б., 155; 637–668-б.]. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, юрак-қон томир касаллигининг барқарор кечиши бўлган bemорларда АСК тайинланиши барча юрак-қон томир хавфларини – 21%, МИ хавфини – 26%, инсульт хавфини – 25% ва ҳамма ўлим ҳолатларини 13% га камайтиради; нотурғун стенокардияда ўлим ва МИ ривожланиш хавфини 50% дан кўпроқقا пасайтиради [75; 43–49-б.]. 2019 йилда Европа кардиологлар жамиятининг бир гурух мутахассислари томонидан юқори даражадаги далиллар асосида кўплаб кўрсатмалар бўйича сурункали коронар касаллик профилактикасида АСК энг фойдали ва самарали эканлиги тасдиқланди. АСК кунига 75–100 мг дозада МИ ёки реваскуляризация ўтказган bemорлар, шунингдек, юрак коронар касаллиги визуал тасдиқланганда анамнезида МИ ёки реваскуляризация бўлмаган bemорларга ҳам тавсия этилади [37; 832-б., 40, 69; 323–849-б., 71; 68–80-б., 20

92; 89–119-б.].

АСКнинг антиагрегант таъсир механизми тромбоцитларда циклоксигеназа – 1 ферментининг қайтмас ингибирланишига асосланади, арахидон кислота простагландинлари G<sub>2</sub>, H<sub>2</sub> ва кучли вазоконстриктор ҳамда проагрегант ҳисобланувчи тромбоксан A2 (TxA2)дан тромбоцитлар агрегация индукторлари синтезини камайтиради. Шундай қилиб, тромбоцитлари умрининг охиригача — тахминан 7 кун мобайнида Tx A2 ишлаб чиқара олмайди [129; 199–233-б., 50; 298–302-б.].

Юрак-қон томир касалликлари, хусусан, турғун зўриқиши стенокардияси, миокард инфаркти, ишемик инсульт, уйқу артериялари ва аорта ҳамда оёқ артериялари атеротромбозида АСКнинг антитромботик самарали таъсири жами 115000 нафар беморни қамраб олган кўп сонли клиник тадқиқотларда ўз тасдиғини топган [102; 7–47-б.]. Юқори хавф гурухини ташкил этувчи bemорларда АСК қабул қилиш қон-томир касалликларидан ўлим хавфини ~15%, нофатал юрак-қон томир ҳодисаларини ~30%га камайтириши юздан ортиқ йирик тадқиқотларда исботланган (Patrono C. et al., 2005, Antithrombotic Trialists' Collaboration, 2002). Шунингдек, барқарор кечувчи юрак ишемик касалликлари билан оғриган bemорларда миокард инфаркти хавфини – 26%, инсульт хавфини – 25%, юрак-қон томир ўткир асоратларини – 21% вабарча ўлим хавфини – 13%га камайтириши тасдиқланган. Натурғун стенокардияда эса миокард инфакти хавфи 50% га камайиши кузатилган [32; 72–80-б.].

Айни пайтда юрак-қон томир асоратлари олдини олишда оёқ ва қўллар артерияларининг атеросклеротик заарланиши, қандли диабет, артериал гипертензия, бўлмачалар фибриляцияси билан оғриган ва шу орқали юқори хавф гурухига киритилган bemорларда ацетилсалациил кислотасини қўллаш тўғридан-тўғри кўрсатма ҳисобланади [11; 20-б., 29; 5–21-б., 36; 80-б., 49; 246–255-б.].

АСК бирламчи профилактикада қўлланилувчи ягона антиагрегант бўлишига қарамасдан бу муаммо ҳанузга қадар қўплаб баҳс-мунозараларга

сабаб бўлиб қолмоқда.

Ўтказилган тадқиқотларда АСК препарати тайинланган 1000 нафар bemордан 2 нафардан 4 нафаргача bemорда ошқозон-ичак трактидан жиддий қон кетиш ҳолатлари ва 2 нафарида геморрагик инсульт ривожланиши қайд этилган [68; 4512–4518-б.].

Шунинг учун агар юрак-қон томир ҳодисаларининг тахминий хавфи иилига 3%дан ошса ва АСК терапияси 4–12 коронар эпизоднинг олдини оладиган бўлса, узок муддатли бирламчи профилактика сифатида тавсия этилиши мумкин. Бирламчи профилактика учун номзодлар 50 ёшдан ошган bemорлар бўлиб, уларда қандли диабет, чекищ, гиперхолестеролемия ва артериал гипертензия каби юрак ишемик касаллиги учун хавф солувчи бир нечта омиллар бўлиши зарур [66; 1239–1312-б.].

Бугунги кунга келиб АСК препаратлари турли савдо номлари (Аспирин, Тромбо ACC, Тромбопол, Кардиомагнил) остида ишлаб чиқарилмоқда ва улар ўзаро АСКнинг дозаси, дозалаш шакли ва қўшимча таркибий қисмларининг мавжудлиги билан фарқ қиласи. Препаратнинг шакллари ва дозалари хилма-хиллиги замонавий клиник амалиётнинг асосларидан бири бўлган узок муддатли терапия хавфсизлиги билан боғлик.

Шундай қилиб, ЮИКни бирламчи ва иккиламчи олдини олишда антиагрегант дори воситаларидан энг кўп исботланган тадқиқотлар базасига эга ва амалиётда энг кўп қўлланиувчи дори АСК ҳисобланади.

### **§1.3. Юрак ишемик касаллигига аспиринга резистентлик муаммоси**

Турли томир ҳавзалари артериялари шикастланишлари фатал асоратларининг бирламчи ва иккиламчи олдини олишда АСКни қўллаш самарадорлиги қўп сонли назорат қилинувчи клиник тадқиқотларда тасдиқланган [94, 96; 1635–1701-б., 109; 531–575-б., 144; 242–246-б., 122; 863–871-б., 155; 637–668-б.]. Аммо сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, аспирин ЮИК билан

оғриган барча беморларда тромбоцитлар фаолиятини самарали бостирамайди. Беморларнинг учдан бир қисмида АСК ишламайди ва bemorlarning 35% ида АСК қабул қилишига қарамасдан паст антиагрегацион таъсир кузатилади [73; 1836–1840-б.]. Ушбу ҳодисага АСКга нисбатан турғунлик, яъни «аспиринга резистентлик» кўриниши сифатида қаралади ва бу ўз негизида АСКнинг тромбоксан A2 синтезини ингибирлаши, шунингдек, тромбоцитлар агрегациясини пасайтириши ва шу орқали тромботик асоратлар ривожланишининг олдини олиш хусусияти йўқолганлиги билан характерланади [118; 251–258-б., 123; 1357–1364-б.]. Бундай bemorларда тромбоцитлар агрегацияси АСКга боғлиқ ҳолда ингибирланиш бўлган bemorларга нисбатан яққол салбий оқибат кузатилади [145; 323–328-б.]. Чунки аспиринга резистентлик ҳолати юқори даражада миокард инфаркти, инсульт ва ўлим хавфи билан боғлиқ.

Аспирин резистентликнинг клиник ва лаборатор турлари мавжуд:

- АСКни узоқ муддат давомида қабул қилган bemorларда қон томирлари, миокард инфаркти ва бошқа тромботик асоратлар ривожланиши клиник аспиринга резистентлик саналади [86; 1122–1126-б.];
- лаборатор ёки биокимёвий аспирин резистентлика функционал тестлар натижасида аниқланган тромбоксан ишлаб чиқаришнинг етарли даражада ингибирламаслиги туфайли АСКнинг тромбоцитлар агрегациясини пасайтиришга қодир эмаслиги кузатилади [72; 907–915-б., 147; 151–159-б., 120; 1258–1263-б.].

Сўнгти йилларда АСК билан даволашда қолдиқ юқори тромбоцитлар агрегация фаолияти фаол муҳокама қилинмоқди. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига қўра антиагрегант препаратлар bemorлар томонидан узоқ вақт давомида бир хил дозада қабул қилинганда тромбоцитлар агрегацияси бостирилишида маълум даражада ўзгаришлар юзага келиши ва бунинг йирик юрак қон-томир ҳодисалари содир бўлиш кўрсаткичи ошиши билан боғлиқлиги аниқланди [128; 124–134-б., 20; 133-б.].

АСКга резистентлик тарқалғанлиги жуда кенг доирада 0,4% дан 60% гача үзгариб туради. Ўткир миокард инфаркти, юрак етишмовчилиги ва периферик томирлар касаллуклари турғун ЮИК билан оғриган беморларда 29% гача, аортани коронар шунтлаш (АКШ) ёки тери орқали коронар аралашув амалиёти бажарилған беморларда 50–70% гача ҳолатда аспиринга резистентлик кузатилади. Ушбу ҳодисанинг соғлом одамларда АРнинг 8,3% гача учраши ҳақидаги маълумотлар ҳам қайд этилган [31; 163-б.].

Маълумотларга кўра 35% одамларда аспиринга нисбатан паст антиагрегантли жавоб кузатилади, 19% шахсларда эса аспириннинг тромбоцитлар агрегациясига таъсири умуман бўлмайди (R.G.Kiss, 2002; W.H.Chen, 2004; J.W.Eikelboom, 2002; P.A.Gum, 2001). Бу эса ЮИКнинг олдини олиш ва даволашда индивидуал ёндашув зарурлигини кўрсатади.

Аспиринга резистентликни ташхислашда қатор қийинчиликлар мавжудлиги туфайли ҳанузга қадар ягона диагностик мезон яратилмаган. P.A.Gum ва ҳаммуаллифлари (2003) АДФ-индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси 70%дан ҳамда арахидон кислота билан тромбоцитлар агрегацияси 20% дан юқори бўлганда аспиринга резистентлик мавжуд деб хисоблайди [103; 961–965-б.].

D.S.Sane ва бошқалар (2002) томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги бешта лаборатор тестлардан бирортасига тўғри келувчи кўрсаткичлар аниқланганда аспиринга резистентлик ташхис қўйилади [142; 893–895-б.]:

- коллаген индуцирланган тромбоцитлар агрегациясининг 70% дан юқорилиги;
- АДФ-индуцирланган тромбоцитлар агрегациясининг 60% дан юқорилиги;
- қонда агрегациянинг 18 Омдан юқорилиги;
- IIb/IIIa гликопротеинлари фаоллигининг 200 бирликдан юқорилиги;
- Р-селектиннинг 8%дан юқорилиги (гемостаздан 22).

Аспиринга резистентликнинг лаборатор белгилари ва ЮИКнинг

клиник кечиши ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланган. Юрак ишемияси касаллигининг иккиламчи профилактикаси учун ишлатиладиган дорилар (статинлар, бета-блокаторлар, ААФ ингибиторлари) ва аспирин кўлланилиши негизида ҳам тахминан 70–75% ўлимга олиб келмайдиган ва 80–85% ўлимга олиб келувчи юрак-қон томир ҳодисаларининг етарлича олди олинмайди [105; 477-479-б.]. Бундай bemорларда тромбоцитлар фаоллиги давом этиб, антиагрегант терапиясига қарамасдан юрак-қон томир ҳодисаларининг қайталаниш хавфи юқори бўлиши қайд этилган [125; 954-959-б.].

Беморларда аспириннинг даволаш самарадорлиги пасайганлигини кўрсатувчи дастлабки маълумотлар цереброваскуляр касалликларга чалинган bemорлар орасида аниқланган: bemорларнинг тахминан тўртдан бир қисмида тромбоцитлар агрегацияси қисман бостирилади, учдан бир қисмида аспирин дозаси оширилишига қарамасдан узок вакт давомида аспиринга турғунлик кучайиб боради [129; 199-233-б.]. Шунинг учун аспирин резистентлик касалликнинг клиник оқибати ёмонлашуви билан боғлиқ ҳолда кечади.

2002 йилда 976 нафар bemор иштирокида ўтказилган НОРЕ илмий тадқиқотларидан олинган маълумотлар пешбдаги 11-дегидро-тромбоксан В2 (Тромбоксан А2 метаболити ва аспиринга резистентликнинг потенциал биомаркёри) нинг юқори даражалари юрак-қон томир ҳодисалари хавфи билан боғлиқлигини кўрсатди [163]. Бунда ушбу метаболитнинг ошиш даражаси билан ишемик ҳодисалар хавфи деярли икки баробар ошгани кўрсатилган.

Е.В.Усачева ва ҳаммуаллифлари фикрича [57; 67–70-б.], антитромбоцитар даволашга қарамасдан ЮИК билан оғриган bemорларнинг 58,4%ида спонтан тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари референт кўрсаткичлардан юқори бўлди. АСК қабул қилувчи коронар атеросклерозли bemорларнинг 76,2%ида тромбоцитлар спонтан агрегациясида гиперагрегация белгилари кузатилди. Бу эса қон-томир

ходисаларининг такрорий ривожланишига асос бўлиши мумкин ва олинган маълумотлар клиник маълумотлар ва тромбоцитлар индуцирланган агрегацияси кўрсаткичлари билан солишириб ўрганишни талаб этади.

3059 нафар bemor иштирок этган олтита мета-таҳлил натижаларига кўра [76; 1127–1129-б.] VerifyNow P2Y<sub>12</sub>≥230 бирлик усули бўйича аниқланган тромбоцитларнинг қолдиқ агрегацион фаоллиги комбинирланган сўнгги нуқталар [хавф нисбати (ХН) 2,10; 95% ишонч интервали (ИИ) 1,62–2,73; p<0,0001] ҳамда алоҳида келган ўлим ҳолатлари (ХН 1,66; 95% ИИ 1,04–2,68; p=0,04), миокард инфаркти (ХН: 2,04; 95% ИИ 1,51–2,76; p<0,001) ва стент тромбози (ХН 3,11; 95% ИИ 1,50–6,46; p=0,001) билан юқори боғлиқликка эга бўлди.

Комбинирланган ROC (combined receiver operator curve) таҳлил шуни кўрсатди, 5 мкмоль АДФ билан индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси>46% дан ва 20 мкмоль АДФ билан индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси>59%дан юқори бўлганда ишемик ҳодисалар билан юқори боғлиқлик кузатилади (АДФ дозасига боғлиқ ҳолда 58% ва 54%). Кўп омилли Cox-регрессион анализ [105; 477–479-б.] ишемик ҳодисалар билан кўрсатилган тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари ўртасида ишончли боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлади (p<0,001).

Бироқ баъзи тадқиқотлардаги қолдиқ реактивлик қийматининг даволашга нисбатан бевосита ва узоқ муддатли башоратлаш роли турлича. Хусусан, D.Sibbling ва ҳаммуаллифлари [147; 151–159-б.] ҳамда T.Geislerc ва ҳаммуаллифлари [101; 59–66-б.] томонидан олиб борилган тадқиқотларда тромбоцитларнинг юқори реактивлиги 30 кундан сўнг стент тромбози ривожланиши билан боғлиқ бўлиши аниқланган, аммо узоқ муддатли башоратлашда боғлиқлик анча суст бўлди ёки йўқолди. Шунингдек, N.J.Breet ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий изланишлар [80; 754–762-б.] стент имплантациясидан кейинги исталган муддатда тромбоцитлар қолдиқ реактивлиги кейинги коронар қон айланиши бузилиши хавфига ишончли таъсир қилишини кўрсатди.

D.Cox ва ҳаммуаллифлари фикрича [87; 2153–2158-б.], АСКнинг бир нечта турининг (3 та препарат ичакда эрувчи қобиққа эга ва биттаси эрувчан аспирин билан дипиридамолнинг комбинациясидан иборат) таъсири соғлом кўнгилли шахсларда текширилганда АСКнинг 75 мг дозасида энг юқори даражадаги TxB2 ингибирланиши кузатилди. Ўрганилган АСК препаратларнинг барчаси эрувчан аспирин самарадорлигидан паст бўлди ( $p<0,001$ ). Баъзи муаллифлар томонидан тақдим этилган маълумотлар бўйича тромбоцитлар агрегацияси баҳолангандага аспирин ва клопидогрел билан даволашда беморларда қолдиқ тромбоцитлар агрегацияси 31,5% дан 83,3% гача ва 10,8% дан 82,3% гача учраши аниқланди [31; 168–172-б.], лекин тавсиялардан келиб чиқсан ҳолда [77; 919–933-б.] даволашга нисбатан тромбоцитларнинг агрегацион хусусияти АСК қабул қилганда 46% дан ошади.

Аспирин резистентлик кўп омилли ҳодиса бўлиб, бунда аспиринга сезгирилик турли механизмлар таъсирида ўзгариши мумкин. Айрим омил – предикторларнинг аҳамияти ҳақида олинган маълумотлар эса бир-бирига тамомила қарама-қарши [23; 32-б., 60; 23-б., 82; 140–147-б., 141; 630–636-б., 91; 1–366-б.]. АСКга нисбатан резистентлик клиник, хужайравий ва генетик омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин [121; 986–993-б.]. Бу 30% гача генетик мойиллик туфайли келиб чиқади. Генетик полиморфизм аспиринга сезувчанлик ҳодисасининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. ЦОГ–2 нинг промотор қисмида жойлашаган 842 мутант аллели, 842G генетик варианти, G765C полиморфизми билан аспиринга антиагрегант жавоб орасида боғлиқлик аниқланган кичик тадқиқотлар амалга оширилган [85; 1673–1675-б.].

Беморларнинг антиагрегант даво режимига риоя қиласлиги муҳим, лекин кўп ҳолларда баҳоланмайдиган омил бўлиб ҳисобланади. Беморларнинг катта қисмида АСКнинг профилактик узоқ муддатли қабулига нисбатан етарли даражада бўлмаган дорига мувофиқлик кузатилади ва бу ҳолат препаратнинг антитромбоцитар самарадорлиги пасайиши ҳамда

миокард инфаркти, ишемик инсульт каби асоратлар хавфи 2–3 баробар ошишига олиб келади. Тадқиқотларда миокард инфарктидан сўнг 29% беморларда аспиринрезистентлик аниқланган ва уларнинг 57%и АСК препаратини мунтазам қабул қилмаган.

Бугунги кунда аспирин резистентликка олиб келиши мумкин бўлган бир қанча омиллар аниқланган [98; 2614–2623-б.]:

–дорининг организмга етарлича тушмаслиги: даволашга етарлича риоя қилмаслик, оптимал дозада қабул қилмаслик, меъда-ичак трактида дорининг ёмон сўрилиши, биргаликда қўлланилаётган бошқа препаратлар билан ўзаро рақобатли таъсиринг мавжудлиги [32; 72–80-б.];

–тромбоцитларнинг функционал ҳолатлари: Тромбоксан A2 ҳосил бўлишининг етарлича супрессия бўлмаслиги, айланиб юрувчи тромбоцитлар популяциясининг тез-тез янгиланиши, тромбоцитларда ЦОГ – 2 нинг стресс таъсиридаги экспрессияси, АДФ ва коллаген таъсирида тромбоцитлар фаоллигининг ошиши;

– тромбоцитларнинг бошқа қон хужайралари билан ўзаро боғлиқлиги: эндотелиал хужайралар ва моноцитлар хусусий Тромбоксан A2 ни синтез қилиши;

– GP IIb/IIIa ва коллаген рецепторлари, ЦОГ – 1, ЦОГ – 2 ҳамда тромбоксансинтетатаза ферментларининг генетик полиморфизми;

– тромбоксан A2 ишлаб чиқарилиши пастлигига қарамасдан эндотелиал хужайраларда простациклин синтези ингибирланишига олиб келувчи липооксигеназа орқали арахидон кислотаси метаболитлари ҳосил бўлишининг кучайиши;

– Виллебранд омили фаоллиги ошиши ва простациклин даражаси пасайиши билан кечувчи эндотелиал дисфункция;

– яллигланишига қарши ностероид препаратлар ва аспириннинг биргаликда қўлланилиши (ЦОГ – 1 фаол марказий конфигурациясининг ўзгариши ҳисобига) [18; 96–101-б.];

– бошқа омиллар: аёл жинси, кекса ёш, чекиш, атеросклерознинг

тарқалғанлық даражаси, артериал гипертензия, қанды диабет, семизлик, инфекция/яллиғланиш, юрак етишмовчилеги, ўпканинг обструктив касаллиги, гиперурикемия, гиперхолестеринемия, оғир жисмоний зўриқиши ва стресс [24; 1378-б., 42; 54–56-б., 67; 364–81-б., 78; 56–62-б., 112; 112-б., 117; 21–27-б., 161; 19–21-б.].

Clivlend клиникасида ўтказилган таҳлиллар аспирин резистентлик ва клиник ҳолатлар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлади ҳамда аспирин резистентлик кузатилган беморларда ишемик асоратлар (ўлим, инсульт ва миокард инфаркти) уч баробар кўпроқ ривожланиши мумкинлигини кўрсатди [79; 1945–1954-б.]. Баъзи тадқиқотларда тромбоцитар ЦОГ – 2 транспорт РНК экспрессиясининг ошиши аспирин резистентлик билан боғлиқлиги кўрсатилган, аммо бу факт ҳозирча баҳсли бўлиб қолмоқда [115; 214–221-б.].

Шундай қилиб, антиагрегант препаратларга резистентлик муаммоси ўз аҳамияти бўйича фундаментал ҳисобланади, негаки, превентив терапияни индивидуаллаштириш ва касалликнинг олдини олувчи анча самарали усулларни шакллантириш учун замин яратади. Шунинг учун сўнгги йилларда амалга оширилаётган антитромбоцитар терапия самарадорлигини баҳолаш усуларини такомиллаштириш тиббиётнинг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

#### **§1.4. Тромбоцитлар функциясини баҳолаш усуллари**

Бугунги кунга келиб аспирин самарадорлигини башоратлашга ёрдамлашувчи стандартлаштирилган усуллар фаол ишлаб чиқилмоқда [91; 1–366-б., 132; 194-б., 150; 2261–2273-б.]. Аспирин резистентлик лаборатория шароитида тромбоцитлар агрегацияси текшируви орқали аниқланади. Бунда тромбоцитлар агрегациясини баҳолашнинг бир нечта замонавий тадқиқот усуллари таклиф этилган бўлиб улар сифат жиҳатидан (А.С.Шитикова томонидан предмет ойнасида визуал баҳолашнинг сифатли экспресс усули, Р.М.Biggs томонидан юқори сифатли пробиркали усули,

З.С.Баркаган, Б.Ф.Архипов ва В.М. Кучерский томонидан гемолизат-агрегацион усул) ва миқдорий жиҳатдан (Борн ва О'Брайен бўйича «олтин стандарт» ҳисобланувчи турбидиметрик оптик усул, З.А. Габбасов бўйича флюктуацион усул, импедансли агрегатометрия, люминисцентли агрегатометрия) аниқлашга қаратилган.

Тромбоцитлар функциясини баҳолашнинг «олтин стандарти» Борн ва О'Брайен бўйича оптик агрегатометрияning турбидометрик усули бўлиб, у (light transmission aggregometry – LTA) ёруғлик узатиш агрегатометрияси (ЁУА) деб ҳам аталади [121; 986–993-б., 83; 376–380-б.]. Бунда плазма зичлигининг ёруғлик ўтказиш даражасини аниқлашга асосланилади ва ҳозирги кунгача кенг миқёсда фойдаланилади.

Ишемик ҳодисалардан сўнг антиагрегант терапия самарадорлигини эрта ва узоқ муддатли баҳолашда спонтан тромбоцитлар агрегацияси ўрганилади. Спонтан тромбоцитлар агрегацияси (САТ) экзоген индукторлар қўшилмасдан тромбоцитлар суспензиясини аралаштириш орқали бошланган микроагрегат ҳосил бўлиш жараёни бўлиб [156; 126–132-б.], спонтан агрегация баъзан соғлом шахсларда аниқланади, юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларда ошган ҳолда бўлади ва алоҳида тадқиқотларга кўра тромботик ҳодисалар ривожланиши учун хавф омили бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Спонтан тромбоцитлар агрегациясини ўрганиш усулларини уларни амалга ошириш тамойилларига кўра икки асосий гурухга ажратиш мумкин:

- 1) оптик (тромбоцитлар суспензиясининг оптик зичлигини ўлчаш);
- 2) визуал (агрегатланган тромбоцитларни бевосита морфологик баҳолаш ёки улар сонининг ўзгариши).

Ушбу усулда текширилаётган плазма ёки қонда агрегатлар бор/йўқлиги аниқланади, шунингдек, носпецифик стимулларга (центрифуганинг узоқ муддатли айланиши, силкитиши) жавобан тромбоцитларнинг агрегацион фаоллиги баҳоланади. Спонтан тромбоцитлар агрегацияси лазерли

агрегометрлар орқали аниқланади.

Сўнгги йилларда оптик каналда парчалар сонининг тасодифий ўзгариши чақирган ёруғлик ўтиши флюктуациясига асосланган усул таклиф этилди. Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, бундай флюктуациялар нисбий дисперсияси агрегатларнинг ўртача ўлчамига пропорционал ва агрегация кинетикасини ўрганишда қўлланилади. Усул юқори сезгирилиги билан ажralиб туради ва унда спонтан агрегация ҳамда паст концентрациядаги индукторлар, субхужайравий парчалар ва макромолекулалар таъсиридаги тромбоцитлар агрегациясини ўрганиш қулай ҳисобланади. Бу усул оптик агрегатометрияда лазерли 230-LA (НПФ «Биола») анализаторида AGGR компьютер дастурида амалга оширилади. Индуктор сифатида аденоzinдинифосфатнинг турли концентрациялари қўлланилади.

Агрегациянинг микдорий тасвири учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

–агрегация даражаси–агрегатограмманинг максимал амплитудаси бўйича баҳоланади ва бу индуктор қўлланилгандан сўнг электроддаги қаршиликнинг максимал ошишига тўғри келади;

–агрегации тезлиги – агрегация бошланганидан кейин 1 дақиқа ўтгач амлитудаси баҳоланади;

– ушланиш вақти – индуктор қўшилганидан кейин ва агрегация регистрацияси бошланишидан олдин ўтган вақт сонияларда баҳоланади;

– агрегация эгрилиги ости майдони амплитуданинг тезликка нисбати ҳисобланади.

Спонтан тромбоцитлар агрегациясининг микроскопик (визуал) усуллари:

**Чўкманинг ёруғлик микроскопияси.** Тромбоцитларга бой плазмани центрифугалаб алоҳида қолган тромбоцитлар ҳамда уларнинг 3–5 ва ундан кўпхужайралардан иборат агрегатлари нисбатини аниқлаш учун чўкма олинади. Нормада тромбоцитлар агрегатлари топилмайди.

**Атом-кучли микроскопияси** усули тромбоцитларнинг адгезия босқичи (тромбоцитлар кенгайган псевдоподияларга эга), ажралиш реакцияси ва агрегациясининг (тромбоцитлар гранулаларини йўқотиб, ёйилган «тромбоцитлар сояси»га ўхшаб қолади) морфофункционал таҳлилига асосланган.

**Н.И. Тарасов усули.** Ушбу усулда дақиқасига 90–100 марта тезликда бўлган 3 дақиқалик чайқатишдан кейин цитратли кондаги тромбоцитлар заарланиши ҳисобланилади. Агрегация содир бўлиши билан тромбоцитлар сони ошади. Нормада бу 20% дан ошмайди.

Бундан ташқари импеданс агрегатометрия, PFA-100, VerifyNow, тромбоэластография каби усуллар ҳам мавжуд.

**Оқимли цитометрияни сканирлаш усулида** спонтан тромбоцитлар агрегациясини баҳолашда моноклонал антителалар ёрдамида фаоллашган гликопротеинлар (GP Ib ва GP IIb/IIIa), тромбоцитар омил 4, β-тромбоглобулинлар даражаси ва L- ва Р-селектинлар ажралиши регистрация қилинади.

**Импедансли агрегатометрия усулида** ҳам спонтан, ҳам индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси баҳоланади. Бу усул агрегация интенсивлигига пропорционал равишда ошиб борувчи ҳужайралар қавати қалинлиги ва электроддаги қаршиликни аниқлашга асосланган. Индуцирланган тромбоцитлар агрегациясини текшириш учун индукторлар сифатида организмнинг кимёвий хоссаларига мос бўлган моддалар кўлланади. Индуктор сифатида томир девори таркибий қисмлари: аденоzinдинифосфат, ристомицин, коллаген, арахидон кислотаси, серотонин, адреналин ва тромбин ишлатилади [19; 77-б., 127; 133-48-б.].

Шундай қилиб, АСК таъсирини баҳолашда стандартлаштириш ва умумий референт интервалларнинг йўқлиги санаб ўтилган лаборатория усуларининг барчаси учун умумий муаммо ҳисобланади [135; 16-б.]. Бундан ташқари ушбу текширув усулларида яна қатор камчиликлар ҳам кузатилади: индуктор концентрацияси аниқ критерияларининг йўқлиги,

назорат материалининг йўқлиги, сўнгги натижалар интерпретациясининг қийинлиги, паст сезгирик, айримларида текширувга алоҳида тайёргарлик зарурлиги, баъзиларида текширув учун қўпроқ қон талаб этилиши ва, албатта, баъзи лаборатор текширув усулларининг қимматлиги [77; 919–933-б.]. Бу эса аспиринга резистентликни аниқлашда оптималь метод яратиш ва амалиётда қўллашда янада қўпроқ илмий изланишлар олиб бориш заруратини келтириб чиқарди.

### **§1.5. Юрак ишемик касаллигига яллиғланиш цитокинларининг аҳамияти**

Дислипидемия, шунингдек, яллиғланиш цитокинлари фаоллигининг ошиши атеротромбоз ривожланишининг патофизиологик механизmlаридан бири ҳсобланади. Бунда асосий патофизиологик механизmlар – тизимли яллиғланиш олди ва унга қарши цитокинлар, ўсма некрози омили – $\alpha$ , интерлейкин – 1 ва интерлейкин– 6, хемокинлар, апоптоз ва ўсиш омиллари рецепторлари адгезия молекулаларининг фаоллашуви билан тушунтирилади.

Кўп сонли клиник ва экспериментал тадқиқотлардан олинган натижалар атеросклеротик пилакча деструкциясидан тортиб коронар қон томирлари окклюзион жараёнларигача бўлган қон томирлар атеросклеротик шикастланишида яллиғланиш омилларининг иштирокини тасдиқлайди [138; 310–318-б.]. Атеросклеротик пилакчада яллиғланиш цитокинлари ҳисобига маҳаллий яллиғланиш сақланиб қолади ва молекулалар адгезиясини чақириб, тромботик асоратлар ривожланишига сабаб бўлади [3; 48–56-б., 54; 218–224-б.]. Цитокинлар реакцияларининг мураккаблиги туфайли тизимли яллиғланишни баҳолаш қийинчилик туғдиради.

Атерогенез ривожланишида кардиоваскуляр касаллик медиаторлари ва маркёrlарининг яллиғланишдаги роли тўлик ўрганилмаган [51; 3–7-б.]. Тахминларга кўра яллиғланишни тормозлашда аҳамиятли бўлган яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши омилларнинг баланси бузилади

[21; 22–29-б., 61; 5–9-б.]. Л.И. Бурячковская ва ҳаммуаллифлари фикрича, тромбоцитларнинг спонтан агрегацияси кучайиши яллиғланишга хос бўлиб, цитокинлар фаоллиги ошиши қўринишида намоён бўлади. Цитокинлар қон зардобида жуда кичик концентрацияларда учрайди (пг/мл), фақат патологик ҳолат ривожланганда ошиши мумкин [90; 15–24-б.]. ЮИКда тромбоцитар гемостаз бузилишлари патогенезида яллиғланиш олди цитокинлари IL – 1, IL – 6 ва ЎНО – α муҳим аҳамият касб этади. Улар эндотелийда прокоагулянтлар, азот оксиди ва миокардиал депрессор омилни шакллантиради. Депрессор омил, ўз навбатида, миокард қисқарувчанликни камайтиради. Тож томирлардан бири шикастланганда IL – 10 ва IL – 6 миқдори ўзгаради.

Кўпчилик олимлар фикрича, интерлейкин – 6 метаболик прокоагулянт ва эндотелиал механизмлар орқали коронар касаллик ривожланишининг асосий омили ҳисобланади [158; 1574–1583-б., 162; 209–214-б.]. А.С.Липунова ва ҳаммуаллифлари ЮИК ва X синдроми бўлган беморларда IL – 6 даражасининг ошиши ўлим хавфи маркёри сифатида баҳоланган ҳамда ТЗСда инвазив аралашувларда диагностик текширувлар қаторига киритилиши зарурлиги таъкидланган [30; 164-б.]. IL – бнинг 6,1 пк/мл дан ошиши, Д.Д. Арзамасцева ва ҳаммуаллифлари фикрича, оёқ артериялари ангиопластикасидан сўнг рестеноз шаклланишининг предиктори ҳисобланади [2; 51–56-б.].

Сўнгги йилларда тромботик механизмлар ва яллиғланиш ўртасидаги боғлиқликларга асосий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, стент имплантациясида артерия шикастланиши ёки пилакча қобигининг ёрилиши яллиғланиш реакциялари билан боғлиқлиги маҳаллий цитокинлар (IL – 1 $\beta$ , IL – 6, ФНО – α) ишлаб чиқарилишининг ошиши билан кўрсатиб берилмоқда [157; 1–7-б.].

Айни пайтда АСКнинг «плеотроп таъсир» деб номланувчи антиагрегант таъсирига боғлиқ бўлмаган бошқа таъсир механизмлари фаол муҳокама қилинмоқда. Улар орасида атероматоз пилакча ўсишини

секинлаштириш, қон томир силлиқ мушак ҳужайралари кўпайишини тўхтатиш, фибринолизнинг кўпайиши, яллиғланиш олди цитокинларининг фаоллигини бостириш (ўсма некрози – а омили ва интерлейкин – 1 $\beta$ ), С-реактив оқсил даражасининг нормаллашиши, антиоксидант таъсир, эндотелиал ҳужайралардаги азот оксида (NO) синтези фаоллигининг ошиши ўта муҳим ҳисобланади [113; 578–89-б., 151; 246–51-б., 95; 359–68-б., 104; 252–255-б.].

Маълумки, тромбоцитлар атеросклероз ривожланишининг бошланғич агентлари қаторига киради, улар эндотелий ва қоннинг ҳужайра элементларига бевосита алоқадор бўлиб, яллиғланиш ва атерогенез ўртасидаги боғлиқликни ҳосил қиласи. Протромботик реакциялар ривожланишининг барча босқичларида жумладан: гепатоцитлар томонидан фибриноген секрециясининг кучайиши, VIII омил генининг транскрипцияси, сирт тўқималари омилиниң моноцитлар билан экспресияси ошиши, айланма фон Виллебранд омилиниң ортиши, S оқсил ва антитромбин синтезининг пасайиши, тромбоцитлар ишлаб чиқарилиши ва тўпланишининг кучайишида IL – 6 иштирок этиши аниқланган [134; 3595–603-б., 143; 42-б.].

Экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатди, аденоzin дифосфат ва эpineфрин иштирокида ИЛ – 6 тромбоцитлар агрегациясига таъсир қиласи ва арахидон кислотаси метаболизмининг бузилишлари билан боғлик бўлади [133; 21-б.]. Ушбу таъсирлар циклооксигенеза, фосфолипаза А2 ингибиторлари ва тромбоксан синтези антогонистлари томонидан блокланади. П.М.Ридкер ва бошқалар томонидан IL – 6 даражаси баланд бўлган беморларда юрак-қон томир асоратлари ривожланиш хавфи юқори бўлиши аниқлаган [137; 145–156-б.] ва АСКдан фойдаланиш IL – 6 концентрацияси ҳамда агрегация таъсирини камайтиришга ёрдам беради.

Цитокинларнинг тромбогенез жараёнларидағи ўрни ҳақида бугунги кунга қадар ягона умумий фикр мавжуд эмас. Тахминларга кўра семизлиқда цитокинлар секрециясининг кўпайиши яллиғланиш жараёнининг тарқалиши

ва сақланишига ёрдам беради [116; 185–196-б.]. Тромбоцитларнинг агрегация қобилияти интерлейкин – 6 нинг плазмадаги концентрацияси билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган. Аммо юрак ишемияси билан оғриган беморларда IL – 1 $\beta$  индексининг ўсмаслиги билвосита цитокин яллиғланишининг паст фаоллигини кўрсатиши мумкин.

# **П БОБ. ЮРАК ИШЕМИЯСИ КАСАЛЛИГИДА ТРОМБОЦИТАР ГЕМОСТАЗ ВА АСПИРИНГА РЕЗИСТЕНТЛИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ МАТЕРИАЛ ВА УСУЛЛАРИ**

## **§2.1. Тадқиқот объекти**

Тадқиқот манбаси сифатида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Кардиология бўлимида 2019–2020 йилларда турғун зўриқиши стенокардияси II–III функционал синфи ташхиси билан даволанган 116 нафар bemорлар танланди. Олдимизга қўйилган вазифаларнинг ечимини амалга ошириш мақсадида илмий тадқиқот иши қўйидагича амалга оширилди.

### **Тадқиқотга олинган bemорларнинг умумий клиник тавсифи**

Беморлар икки гурухга ажратилиб, биринчиси асосий гуруҳ бўлиб унга аспирин қабул қилувчи 92 нафар bemорлар ва иккинчи назорат гурухи бўлиб унга АСК қабул қилмаган 24 нафар bemорлар киритилди. Асосий гуруҳ ўз навбатида аспирин қабул қилиш давомийлигига қараб уч гурухга ажратилди. Бунда 1 гуруҳ 1 йилгача АСК қабул қилган ЮИК ТЗС II–III функционал синфи мавжуд 30 нафар bemорлардан ташкил топган. ЮИК ФС бўйича ўрганилганда II ФС 2 (73,3%) ва III ФС 8 (26,7%) нафар bemорлардан иборат бўлди. Беморларнинг ўртача ёши  $60,4\pm1,68$  бўлиб, эркаклар 15 (50%)тани ва аёллар ҳам 15 (50%)тани ташкил этди. Ушбу гурухда инфарктдан кейинги кардиосклероз 8 (26,7%), гипертония касаллиги 20 (66,7%), семизлик 12 (40%), қандли диабет 2 тип 11 (36,7%), ҳамда СЮЕ 15 (50%) нафар bemорлар қайд этилди. Заарарли одат чекиши 11 (36,7%) нафар bemорда қузатилди.

2 гурухни 1 йилдан 5 йилгача АСК қабул қилган ЮИК ТЗС II–III функционал синфи мавжуд 31 нафар bemорлар ташкил этган бўлиб, уларнинг ўртача ёши  $64,6\pm1,6$  ни, 17 (54,8%) эркаклар ва 14 (45,2%) нафар аёллар ташкил қилди. ЮИК ФС бўйича ўрганилганда II ФС 21 (67,7%) ва III ФС 10

(32,3%) нафар беморлардан иборат бўлди. Мазкур гурухда инфарктдан кейинги кардиосклероз 25,8% яъни 8 нафар, ёндош касалликлардан артериал гипертензия 67,1%, яъни 21 нафар, семизлик 25,8%, яъни 8 нафар, қандли диабет 2 тип 38,7%, яъни 12 нафар, ҳамда СЮЕ 41,9%, яъни 13 нафар беморларда учради. Заарали одат чекиш 38,7%, яъни 12 нафар беморда кузатилди.

3 гурух 5 йилдан кўп АСК қабул қилган ЮИК Турғун зўриқиши стенокардияси II–III функцонал синфи мавжуд 31 нафар беморлардан иборат бўлиб, уларнинг ўртача ёш,  $63,0 \pm 1,34$ , эркаклар 18 (58%) ва аёллар 13 (42%) ни ташкил этди. ЮИК ФС бўйича ўрганилганда II ФС 24 (77,4%) ва III ФС 7 (22,6%) нафар беморлардан иборат бўлди. Ушбу гурухда инфарктдан кейинги кардиосклероз 8 (25,8%), гипертония касаллиги 24 (77,4%), чекиш 11 (35,5%), семизлик 13 (41,9%), қандли диабет 2 тип 13 (41,9%), СЮЕ 19 (61,2%) нафар беморлардан иборат бўлди.

Назорат гурухи сифатида АСК қабул қилмаган ЮИК Турғун зўриқиши стенокардияси II–III функцонал синфи мавжуд 24 нафар беморлардан иборат бўлиб, уларнинг ўртача ёши  $60,8 \pm 0,69$ , эркаклар 13 (54,3%) ва аёллар 11 (45,8%) ни ташкил этди. ЮИК ФС бўйича ўрганилганда II ФС 20 (64,5%) ва III ФС 11 (35,5%) нафар беморлардан иборат бўлди. Ушбу гурухда инфарктдан кейинги кардиосклероз 6 (24%), гипертония касаллиги 16 (66,7%), чекиш 8 (33,3%), семизлик 8 (33,3%), қандли диабет 2 тип 8 (33,3%), СЮЕ 10 (41,6%) нафар беморлардан иборат бўлди.

Тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари ва агрегация эгриликларидағи ўзгаришлар бўйича олинган натижаларга кўра асосий гурухни ташкил қилган беморлар икки гурухга, яъни аспиринга резистентлик мавжуд ва аспиринга сезгирилик мавжуд беморлар гурухига ажратилди.

Тадқиқотга жалб этилган беморларда ЮИК ташхиси ва турғун зўриқиши стенокардияси (ТЗС) функцонал синфлари уларнинг шикоятлари, анамнези, объектив қўрик ва лаборатор-асбобий текширувлар асосида Европа

кардиоглар жамияти мезонларига кўра аниқланди [110; 407–477].  
Беморларнинг клиник таснифи 2.1-жадвалда келтирилган.

## 2.1-жадвал

### Тадқиқотга жалб қилинган bemorlarning клиник таснифи

Кўрсаткич	Bemorlar soni (n=116)							
	Асосий гурух						Назорат гурух n=24	
	1 гурух n=30	2 гурух n=31	3 гурух n=31					
Ёш, йил	60,4±1,68	64,6±1,6		63,0±1,34		60,8±0,69		
<b>Жинс</b>								
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Эркаклар	15	50	17	54,8	18	58	13	54,3
Аёллар	15	50	14	45,2	13	42	11	45,8
<b>ТВИ</b>								
Семизлик (ТВИ>30)	12	40	8	25,8	13	41,9	8	33,3
<b>Зарарли одатлар</b>								
Чекиш	11	36,7	12	38,7	11	35,5	8	33,3
<b>Асосий касаллик</b>								
Турғун зўриқиши стенокардиясининг II ФС	22	73,3	21	67,7	24	77,4	20	64,5
Турғун зўриқиши стенокардиясининг III ФС	8	26,7	10	32,3	7	22,6	11	35,5
Инфарктдан кейинги кардиосклероз	8	26,7	8	25,8	8	25,8	6	24
<b>Асоратлар</b>								
СЮЕ	15	50	13	41,9	19	61,2	10	41,6
<b>Ёндош касалликлар</b>								
Гипертония касаллиги	20	66,7	21	67,1	24	77,4	16	66,7
Қандли диабетнинг II тури	12	40	8	25,8	13	41,9	8	33,3

Изоҳ: ТВИ – тана вазни индекси; ЮИК – юрак ишемияси касаллиги; СЮЕ – сурункали юрак етишмовчилиги.

Тадқиқотимизни асосий гурӯҳини ташкил этган bemorlar шифохона шароитида ЮИКда Европа кардиологлар жамияти тавсиясига кўра стандарт терапия бўйича антиагрегантлар, кардиоселектив бета-адреноблокаторлари, АЎФ ингибиторлари, сартанлар, статинлар билан даволанди. Антиагрегант сифатида 75 мг дозада АСК (кардиомагнил) қабул қилинди. Назорат гурӯҳидаги bemorlarга ҳам умум қабул қилинган ЮИК стандарт давоси

буорилган.

Тадқиқотнинг график дизайни 2.1-расмда келтирилган.



## 2.1-расм. Тадқиқотнинг график дизайнини

### Тадқиқотга жалб этиш мезонлари:

- ТЗС II–III ФС;
- bemorлар ёши 45–85 ёш;
- bemorларнинг тадқиқотда иштирок этишга розилиги;
- сўнгги 6 ойда антикоагулянт қабул қилмаганлиги.

### **Тадқиқотдан истисно этиш мезонлари:**

- ТЗС IVФС;
- номуқобил стенокардия, артериал гипотония
- ЭКГда ST сегменти кўтарилиганинига ва кўтарилимаганлиги билан келган МИ;
- II–III даражали атриовентрикуляр қамаллар
- NYHA бўйича IV ФС СЮЕ; юрак ва қон томирларининг бошқа тугма ва ортирилган касалликлари;
- буйрак, жигар этишмовчилиги, меъда-ичак яра касалликлари қўзиш даври, ЎСОК қўзиш даври, инфекцион эндокардит, қон касалликлари мавжуд bemорлар ва сўнгги 6 ойда БМЎҚАБ ўтказган bemорлар, бириктирувчи тўқиманинг диффуз касалликлари, ўсма касалликлари, ва бошқа оғир турдаги касалликлар мавжуд bemорлар;
- тадқиқот натижаларига таъсир кўрсатувчи дори воситаларини қабул қилиш: перорал антикоагулянтлар, антацидлар, тизимли глюкокортикоидлар, иммунодепрессантлар, юрак гликозидларини узоқ вақт давомида қабул қилиш.

Шундай қилиб, текширувга жалб этилганлар, асосан, кекса ёшдаги, гипергликемия, гиперхолестеринемия каби метаболик ўзгаришлар кузатилган, ИККС мавжуд, ёндош касаллик сифатида гипертония касаллиги, қандли диабет қайд этилган, хилпилловчи аритмия ва СЮЕ каби асоратлар аниқланган bemорлар бўлди.

### **§2.2. Фойдаланилган текширув усуллари тавсифи**

#### **Клиник текширувлар**

Беморларни клиник текшириш bemорлар шикояти, анамнези, объектив кўрик каби умумий терапевтик мезонлар асосида олиб борилди.

Тана вазни индекси ТВИ=вазн, кг/бўй узунлиги, м<sup>2</sup>\*100. Меъёрий тана вазни ТВИ=18,5–24,9 деб хисобланди. ТВИ=25–29,9 –ортиқча тана вазни, 30–

34,5 –семизликнинг I даражаси, 35–39,9 –семизликнинг II даража, 40,0 ва ундан юқори–семизликнинг III даража сифатида баҳоланди.

Беморларнинг антиагрегант давога мувофиқлик даражаси Мориск–Грин сўровномаси [124; 67-73] ёрдамида аниқланди.

### **Мориск–Грин саволномаси MMAS-4**

#### **(4-item Medication Adherence Report Scale – MARS)**

1. Қачондир дори ичишни эсдан чиқарганмисиз?

Эсдан чиқарганман – 0

Эсдан чиқармаганман – 1

2. Дори ичиш вақтига эътиборсизлик қиласизми?

Ҳа – 0

Йўқ – 1

3. Ўзингизни яхши ҳис қилган пайтингизда дори ичишни тўхтатасизми?

Тўхтатаман – 0

Тўхтатмайман – 1

4. Дори қабул қилгандан кейин ўзингизни ёмон ҳис қилсангиз дори қабул қилишни тўхтатасизми?

Тўхтатаман – 0

Тўхтатмайман – 1

Саволларга жавоб бериш асносида 2 ва ундан кам балл тўплаган bemorlarда дорига мувофиқлик йўқ, 3 балл тўплаганларда дорига етарлича мувофиқлик йўқ ва ушбу ҳолат бўйича хавф гурухига киради, 4 балл тўплаган bemorlarда дорига мувофиқлик мавжуд деб ҳисобланади.

### **Лаборатор текшириш усуллари**

#### *Қоннинг умумий таҳлили*

Умумий қон таҳлилиниң асосий қисми Sysmex XT-4000i (Япония) автоматик гематологик анализаторида амалга оширилди. Эритроцитлар, лейкоцитлар сони, гемоглобин, гемотокрит, тромбоцитлар сони, ЭЧТ

күрсаткичлари аниқланди. Қондаги гемоглобин міңдорини аниқлаш бирлаштирилган гемоглобин цианид усулида, эритроцитлар сони ягона Горяев усулида, эритроцитлар чўкиш тезлиги Панченко аппаратида 100 мм ли найчада қонни 5% ли натрий цмитрат эритмаси билан аралаштирилган ҳолатда аниқланди.

#### *Қоннинг биокимёвий таҳлили*

Қоннинг биокимёвий текшируви учун эрталаб оч қоринга беморлар дори воситаларини қабул қилишдан олдин билак венасидан 9 мл қон олинди. Олинган қон центрифуга аппаратида 15 дақиқа давомида зардоб ажralгунча айлантирилди. Текширувлар Humaclot Duo (Германия) анализаторида Beckman Coulter (Япония) компанияси реагентлари тўплами билан ўтказилди. Қондаги глюкоза міңдори глюкозооксидаза услубида аниқланди. Барча беморларда АЛТ, АСТ, умумий билирубин, мочевина, креатинин міңдорлари аниқланди. Шу билан бирга липид спектр кўрсаткичлари колориметрик фотометрик услубда ва атерогенлик кўрсаткичи автоматик ҳисоблаш орқали аниқланди.

#### *Коагулограмма текшируви*

Коагулограмма текшируви кўрсаткичлари: ПТИ, ТВ, ФҚТВ, МНО, фибриноген автоматик коагулометр «DESTINY MAX» («Tcoag» компанияси маҳсулоти, Ирландия) ёрдамида амалга оширилди.

#### *Қондаги цитокинлар міңдорини аниқлаши*

Қон зардоби цитокинлари (IL – 1 $\beta$ , IL – 6) кўрсаткичлари уч фазали иммунофермент таҳлил ёрдамида аниқланди. Бунинг учун «Humalayzer 2000» (Германия) аппаратидан фойдаланилди. Тўпламда турли эпитопли маҳсус IFN-gamma моноклонал антителалари ишлатилди. Улардан бири қаттиқ фазада иммобилизацияланган (ички юзада), иккинчиси пероксидаза билан конъюгиранланган. Меъёрий кўрсаткичлар: IL – 1 $\beta$  <5,0 пг/мл, IL – 6 – <7,0 пг/мл.

## **Тромбоцитлар агрегациясини текшириш**

Тромбоцитларга бой цитратли зардобдаги тромбоцитлар агрегациясини Борн ва О'Брайен усулида текшириш тромбоцитлар агрегациясининг AGGR дастури бўйича компьютерли қайта ишлаш орқали икки каналли лазерли Алат – 2 Биола анализаторида (БИОЛА НПФ, Россия) бажарилди. Бу ускунада тромбоцитлар агрегацияси анъанавий турбодометрик усулда текширилади, бунда тромбоцитлар билан бойитилган зардоб (ТБЗ)нинг нур ўтказишидаги ўзгаришлар қайд қилиб борилади. Нур ўтказиш фоизларда ифодаланади:


- ТБЗнинг бошланғич нур ўтказиши 0% деб қабул қилинади;
- тромбоцитлар кам бўлган зардоб (ТКЗ) нур ўтказиши 100% деб қабул қилинади.

ТБЗ олиш учун оч қоринга (овқат истеъмол қилгандан 12 соат ўтгач) эрталабки соатларда стандарт услубда 3,8% ли натрий цитрат солинган пробиркага 4,5 мл га 9:1 нисбатда олинган тоза қон қўшилди. Дақиқасига 1000 та айл./тезликда 10 дақиқа давомида центрифугалангандан кейин тромбоцитларга бой зардоб ҳосил бўлди. Дақиқасига 3000 айланма тезликда 15 дақиқа центрифугалангандан кейин тромбоцитлари жуда кам бўлган зардоб олинди. Тромбоцитлар агрегациясини текшириш қон олингандан кейинги 1 соат мобайнида амалга оширилди.

Тромбоцитларнинг спонтан ҳамда индуцирланган агрегациялари баҳоланди, тромбоцитлар агрегацияси индуктори сифатида АДФнинг 0,1, 1,0 ва 5,0 мкмоль эритмасидан фойдаланилди, агрегатларнинг ўртacha ўлчами максимал қиймати аниқланди ва нисбий бирликларда ўлчанди. 5,0 мкмоль концентрациядаги АДФ билан индуцирланган агрегация учун агрегация даражаси индуктор қўшилгандан кейин нур ўтказишнинг максимал ортиши сифатида аниқланди ва % ларда ўлчанди. Меъёр қийматлар тариқасида қабул қилинди: спонтан агрегация учун – 1,0–1,5 нисб.бирл., 0,1 мкмоль АДФ билан индуцирланган учун – 1,0–2,0 нисб.бирл., 1,0 мкмоль АДФ билан

индуцирланган учун – 1,5–5,5 нисб.бирл., 5 мкмоль АДФ билан индуцирланган учун – 25–72%.

Қуйида тромбоцитларнинг спонтан агрегацияси ва 5,0 мкмоль АДФ билан индуцирланган агрегациянинг нормал ҳамда юқори даражалари эгриликлари келтирилган (2.2–2.5 расмлар).



Манба: А.Г.Кочетов, О.В.Лянг. Тромбоцитлар агрегациясини текшириши.

Резистентлик мезони сифатида тромбоцитлар агрегацияси эгрилигиде ажралиш фазасининг мавжудлиги ва  $>1,5$  нисб. бирл. тромбоцитлар спонтан агрегация даражаси ҳамда 5,0 мкмоль АДФ билан индуцирланган тромбоцитлар агрегациясининг  $>72\%$  даражаси ишлатилди.

## **Инструментал текшириш усуллари**

### **Электрокардиография (ЭКГ)**

Барча bemорларга электрокардиография текшируви «BTL 08» (Буюк Британия) электрокардиограф аппаратида стандарт усулда амалга оширилди ва 12 та тармоқлардаги ўзгаришлар ёзиб олиниб, чап қоринча гипертрофияси, ST сегмент депрессияси, Т тишчадаги ўзгаришлар таҳлил қилинди.

### **Динамик жисмоний зўриқиши синамаси (тредмил – тест)**

Барча bemорларга динамик жисмоний зўриқиши синамаси (тредмил – тест) BTL 08 SD (Буюк Британия) югуриш йўлакчасида стандарт усулда субмаксимал ЮҚСга етгунча ўтказилди. Керакли диагностик мезонларга етказилганда миокард ишемияси белгилари қузатилмагандан тест «манфий» деб топилди. Агар миокард ишемиясининг объектив (ЭКГ белгиси) ёки субъектив (стенокардия хуружи) белгилари пайдо бўлса, тест «мусбат» саналди. Тест мусбат бўлганда стенокардиянинг функционал синфлари (ФС) қуидагича баҳоланди: I ФС – зўриқишига юқори толерантлик, II ФС – зўриқишига ўртacha толерантлик, III ФС – зўриқишига паст толерантлик.

### **Эхокардиография (ЭхоКГ)**

Барча bemорларга эхокардиография текшируви кўп функцияли ультратовушли №2PHILIPS сканер аппаратида (Голландия) 3,5 Мгрли датчикда амалга оширилди. Текширувлар bemорларда ёнбош ҳолатда икки ўлчамли эхокардиография ва доплер-эхокардиография усулида Америка эхокардиография ассоциацияси (ASE) тавсияларига мувофиқ ўтказилди. Текширув натижасида қуидаги қўрсаткичлар аниқланди: чап қоринча (ЧҚ) сўнгги sistолик ва сўнгги диастолик ўлчови (ССУ ва СДУ), сўнгги sistолик

ва сўнгги диастолик ҳажми (ССХ ва СДХ), ЧК орқа деворининг қалинлиги (ЧҚОДҚ) ва қоринчалараро тўсиқнинг қалинлиги (ҚАТҚ), чап бўлмачанинг (ЧБ) ўлчови, ЧК қисқариш фракцияси (ҚФ), зарб ҳажми (ЗХ)-ССХ ва СДХ ўртасидаги фарқ аниқланди, ҳамда Devereux R.B. формуласи асосида ЧК миокарди вазни (ЧҚМВ) ҳисобланди:

$$\text{ЧҚМВ} = 1,04 [(\text{СДУ} + \text{ЧҚОДҚ} + \text{ҚАТҚ})^3 - \text{СДУ}^3] \times 0,8 + 0,6.$$

ЧК қон отиш фракцияси қуидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилди:

$$\text{ЧҚОФ} = ((\text{СДХ} - \text{ССХ}) / \text{СДХ}) \times 100\%$$

ЧК диастолик дисфункцияси доплер эхокардиография текшируви ёрдамида ўпка веналари орқали трансмитрал диастолик оқим кўрсаткичларини аниқлаш орқали ташхисланди.

### **Қорин бўшлиғи аъзолари ультратовуш текшируви (УТТ)**

Барча bemорларда қорин бўшлиғи аъзолари ультратовуш текшируви AccuvixV (Корея) аппаратида бажарилди ва ички аъзолар (жигар, талоқ)даги ўзгаришлар таҳлил қилинди.

### **§2.3. Статистик таҳлил**

Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «SPSS18.0» (SPSS Inc.,Chicago, IL) компьютер дастуридан фойдаланиб амалга оширилди. Тақсимлаш турига кўра параметрик ёки нопараметрик статистик таҳлил усули қўлланилди.

Параметрларни қайта ишлаш Microsoft Office Exel – 2010 дастурий пакети ёрдамида маълумотлар сериясининг фоизи (%)ни аниқлаш орқали бажарилди: ўртacha арифметик қиймат ( $M$  – Mean) ва ўртacha арифметик хатоликлар ( $m=Std. error$ ) ҳисобланди. 95% ишончлилик интервали ҳисобланди–ИИ (95% CI). Маълумотлар  $M \pm m$  кўринишида берилди. Миқдорий қўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар белгиларнинг тақсимланиш турига кўра Стыюдент  $t$ -мезони ёки Манн–Уитнининг  $U$ -мезони бўйича кўрсатилди. Гурухлар ўртасида сифат кўрсаткичлари бўйича фарқлар ишончлилиги Хи квадрат тести ёрдамида аниқланди. Чизиқли корреляцион

таҳлил ўтказилди. Корреляция таҳлилида Пирсон корреляцияси коэффициентидан фойдаланилди ва ишончлилик жадвали бўйича унинг аҳамиятлилиги аниқланди. Корреляцион боғланиш мавжуд эмаслиги ҳақида статистик гипотеза Spearman усулида текширилди. Маълумотлар таҳлили натижалари фарқлар  $p < 0,05$  кўрсаткичидан статистик аҳамиятли деб ҳисобланди.  $p < 0,001$  да – жуда ишончли,  $p > 0,05$ да эса ишончсиз деб топилди. Хавф омилларининг аспиринга резистентликка таъсири кўп қадамли регрессион таҳлилда ўрганилди.

### **III БОБ. ШАХСИЙ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ**

#### **§3.1. Юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда тромбоцитлар агрегацияси ва аспириннинг унга таъсирини баҳолаш**

Тадқиқотимизда ЮИК билан оғриган беморларда тромбоцитлар агрегацияси АСК қабул қилиш давомийлигига кўра кўриб чиқилган.

Тромбоцитлар агрегация функциясига аспириннинг таъсирини баҳолаш мақсадида беморлар тўрт гурухга ажратилди: 1-гурухга –бир йилгача АСК қабул қилган, 2-гурухга – АСКни 1 йилдан 5 йилгача бўлган муддатда қабул қилган, 3-гурухга – АСК препаратини 5 йилдан кўп муддат давомида қабул қилаётган беморлар киритилди ва назорат гурухини АСК қабул қилмаган беморлар ташкил қилди. Барча гурух беморларда тромбоцитларнинг спонтан ҳамда АДФ-индуцирланган агрегациясини ўртacha кўрсаткичлари солиштирма баҳоланди.

Тадқиқот натижасига кўра, тромбоцитлар агрегациясининг барча кўрсаткичлари назорат гурухини ташкил қилган АСК қабул қилмаган беморларда асосий гурухни ташкил қилган АСК қабул қилган 1чи ва 2 чи гурухдаги беморлар кўрсаткичларига нисбатан статистик аҳамиятли тарзда юқори эканлиги қайд этилди ( $p<0,05$ ). Шунингдек, АСК қабул қилиш давомийлиги 5 йилдан ортиқ бўлган 3 гурух беморлари агрегация кўрсаткичлари назорат гурухига нисбатан паст эканлиги аниқланди, аммо фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади ( $p>0,05$ ).

3.1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, аспирин қабул қилиш давомийлиги ортиши билан тромбоцитларнинг спонтан агрегацияси ҳамда АДФ-индуцирланган агрегациясида гурухлараро фарқланишини кўрсатди. Жумладан, 1 чи гурух агрегация кўрсаткичлари 2 чи ва 3 чи гурух кўрсаткичларига нисбатан энг пастлиги аниқланди.

### 3.1-жадвал


#### Аспирин қабул қилишнинг давомийлигига боғлиқ ҳолда юрак ишемик касаллиги билан оғриган bemорларда тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари ( $M \pm SD$ )

Агрегация параметрлари	Назорат гурӯҳи АСК қабул қилмаган bemорлар (n=24)	1-гуруҳ – 1 йилгача АСК қабул қилганлар (n=30)	2-гуруҳ – 1–5 йил давомида АСК қабул қилганлар (n=31)	3-гуруҳ – 5 йилдан кўп муддат давомида АСК қабул қилганлар (n=31)
Спонтанная агрегация, нис.бир.	1,96±0,1	1,44±0,09 P<0,001	1,54±0,1 P<0,01 P1>0,05	1,7±0,09 P>0,05 P1<0,05 P2>0,05
0,1 мкМ АДФ, нис.бир.	8,1±0,98	4,37±0,73 P<0,01	6,06±0,79 P<0,05 P1>0,05	6,58±0,86 P>0,05 P1<0,05 P2>0,05
1,0 мкМ АДФ, нис.бир.	18,97±1,66	10,73±1,33 P<0,001	14,67±1,6 P<0,05 P1>0,05	16,51±1,63 P>0,05 P1<0,01 P2>0,05
5,0 мкМ АДФ, %	61,33±3,71	43,18±3,56 P<0,001	49,72±3,77 P<0,05 P1>0,05	58,44±3,72 P>0,05 P1<0,01 P2>0,05

**Изоҳ:** р - назорат гурӯҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш,  
 р1- 1 чи гурӯҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш,  
 р2- 2 чи гурӯҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш.


З-гуруҳдаги bemорларда эса тромбоцитларнинг спонтан агрегацияси ва АДФ-индуцирланган агрегацияси кўрсаткичлари 1чи ва 2 чи гурӯҳ bemорлари кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлиб, статистик ишонарли фарқлар 1 гурӯҳ bemорлари кўрсаткичларига нисбатан кузатилди (спонтан агрегация 1,7±0,09 p<0,05, 0,1 мкм АДФ-индуцирланган агрегация 6,58±0,86 p1<0,05, 1,0 АДФ-индуцирланган агрегация 16,51±1,63 p1<0,01, 5,0 АДФ-индуцирланган агрегация 58,44±3,72 p1<0,01). Таъкидлаш жоизки, 2 чи гурӯхни ташкил этган 1 йилдан 5 йилгача АСК қабул қилган bemорлар

гурухида барча тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичларида 1 чи ҳамда 3 чи гурух bemорларига нисбатан статистик ишонарли фарқланишлар аниқланмади. Натижалар диаграмма кўринишида 3.1 ва 3.2-расмларда келтирилган.



Изоҳ: \*- фарқлар 1 гурух кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\*-  $p<0,05$ ).

### **3.1-расм. Асосий гурухдаги bemорларда тромбоцитлар спонтан ва 0,1 ва 1,0 мкм АДФ индуцирланган агрегациясининг АСК қабули давомийлигига қўра ўзгариши.**




Изоҳ: \*- фарқлар 1-гурух кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\*-  $p<0,05$ ).

### **3.2-расм. Асосий гурухдаги bemорларда 5,0 АДФ қўшилганда агрегациянинг ўртача даражалари.**

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, АСК қабул қилиш давомийлиги ортиши билан тромбоцитларнинг ҳам спонтан, ҳам АДФ-индуцирланган агрегацияси статистик аҳамиятли ошиши


биргаликда кузатилади ( $p<0,05$ ).

Тадкиқот давомида юқори агрегацион фаолликка эга беморлар учраши таҳлил қилинди.



### 3.3-расм. Асосий гурухдагы резистент беморлар улуси

3.3-расмда келтирилгандек, асосий гурухни ташкил қылган беморлар гурухида аспиринга резистентлик улуси 32,6% (30 нафар бемор)ни ва аспиринга сезгир беморлар улуси 62 (67,3%)ни ташкил этди.



Изоҳ: \*- фарқлар 1-гурӯх күрсаткычларига нисбатан аҳамиятлы (\*-  $p<0,05$ ).


### 3.4-расм. Аспирин қабул қилиш давомийлиги бўйича аспиринга резистент беморлар улуси

3.4-расм бўйича, 5 йилдан ортиқ АСК қабул қилган беморлардан иборат учинчи гурухда 5 йилгача АСК қабул қилган беморлардан иборат 52

иккинчи гурұхга нисбатан аспиринга резистентлик сезиларлы даражада күпроқ қайд этилди (мос равища 54,8% ва 29%  $\chi^2=4,24$  p<0,05). Шу болан бирға, 1 йилгача АСК қабул қылған 1-гурұх белорларда резистентлик учраши 3-гурұх белорларига нисбатан камроқ күзатылды (мос равища 13,3% ва 54,8%  $\chi^2=11,63$  p<0,05).

Тадқиқотда олинган натижалар шундан далолат берадики, антиагрегантни узоқ муддат давомида қабул қилиш мобайнида олинган агрегация күрсаткышлари аспиринерезистентликнинг патофизиологик механизми циклооксигеназа ферментининг тромбоцитопоэз жараёнидаёт содир бўлган конформацияли ўзгаришлар билан боғлик бўлиши мумкин, бу ферментнинг АСК билан ўзаро таъсири бузилишини келтириб чиқаради.

Бунда белорларнинг дори қабул қилиш тартиб-қоидасига қандай амал қилғанлиги ва дорига мувофиқликни текшириш мухим аҳамият касб этади. Шунинг учун белорларда даво тактикасига риоя қилиш даражасини аниқлашда Мориск–Грин сўровномасидан олинган натижалар статистик таҳлил қилинди.



**3.5-расм. Юрак ишемик касаллиги билан оғриган белорларда аспиринга мувофиқлик даражаси**

3.5-расм бўйича, АСК қабул қилиш бўйича дорига мувофиқликнинг Мориск–Грин сўровномасига кўра 1-гурӯҳда 3,6 балл (дорига мувофиқлик сақланган), 2-гурӯҳда 3,1 балл (дорига мувофиқлик етарлича эмас) ва 3-гурӯҳда 2,5 балл (дорига мувофиқлик етарлича эмас) қайд этилди. 5 йилдан ортиқ муддат аспирин қабул қылған белорларда сўровнома бўйича энг паст

балл аниқланиди ва бу ўз навбатида беморларда дорига мувофиқлик паст даражада эканлигини кўрсатди.

Дорига нисбатан паст даражадаги мувофиқликнинг эҳтимолий сабаблари ҳакида сўралганда, bemorlarдан қуйидаги жавоблар олинди: унтувчанлик (26,7%), ножӯя таъсирлардан қўрқиш (55,1%), дори самарасини сезмаслик (8,6%), узоқ муддат давомида дори-дармонларни қабул қилишни истамаслик (30,1%), бир вақтнинг ўзида кўплаб дори-дармонларни қабул қилиш (16,3%), тавсия этилган дори-дармонларнинг юқори нархи (19,8%). Фақат 62% bemor антиагрегант даво тавсияларига тўлиқ риоя қилди (3.2-жадвал).

### **3.2-жадвал**

#### **Дорига мувофиқлик паст бўлишининг сабаблари (беморлар муносабати, n=92)**


T/p	Паст даражадаги дорига мувофиқлик сабаблари	Жавоблар сони n, %
1	Унтувчанлик	31 нафар (26,7%)
2	Ножӯя таъсирдан қўрқиш	64 нафар (55,1%)
3	Дори самарасини сезмаслик	10 нафар (8,6%)
4	Узоқ муддат дори қабул қилишни истамаслик	35 нафар (30,1%)
5	Дорилар сонининг кўплиги	19 нафар (16,3%)
6	Препарат нархининг қимматлиги	23 нафар (19,8%)
7	Сабаблар мавжуд эмас (дори тавсиясига тўлиқ амал қилинган)	72 нафар (62%)

Тадқиқотимиз натижаларига кўра, ЮИК ТЗС II-III ФС билан оғриган bemorlarning AСK қабул қилган ва қилмаган гурухларида спонтан ва индукторнинг юқори концентрацияси таъсир қилган тромбоцитлар агрегацияси ўзгаришлари кўпроқ кузатилди. Аспирин узоқ муддат давомида қабул қилганда (айниқса, 5 йилдан ортиқ муддатда) қиска муддат AСK қабул қилган 1 чи гурӯх bemorlarга нисбатан тромбоцитлар агрегаци кўрсаткичларини статистик аҳамиятда юқори эканлиги ( $p<0,05$ ) қайд этилди.

### **§3.2. Юрак ишемик касаллиги бўлган аспиринга резистент ҳамда унга сезгир bemорларда клиник-лаборатор кўрсаткичларининг солиштирум таҳлили**

Тадқиқотга жалб этилган АСК қабул қилған bemорларнинг 32,6%ида ушбу препаратта нисбатан резистентлик ва 67,3%ида АСКга сезгирилик аниқланди. Шаклланган икки гурӯҳ: АСКга резистент ва АСКга сезгирил bemорлар гурӯҳида клиник-лаборатор кўрсаткичлар қиёслама ўрганилди.

Дастлаб аспириррезистентлик мавжуд ва мавжуд бўлмаган ушбу иккала гуруҳ беморларининг шикоятлари тақкосланди.



**3.6-расм. АСКга резистент ва АСК сезувчан ЮИК билан оғриган  
беморларнинг шикоятлари бўйича фарқлар.**

Физикал текширувлар бўйича текширилаётган гурухларда статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмади (3.3-жадвал).

Юрак қисқаришлари сони иккала гурухда ҳам меъёрий кўрсаткичларда бўлди: АСКга резистент bemорларда 1 дақиқада  $76.93 \pm 1.73$  та ҳамда АСКга сезувчан bemорларда 1 дақиқада  $74.42 \pm 1.42$  та бўлди ва гурухлар аро фарқлар

статистик аҳамиятга эга бўлмади ( $p>0,05$ ).

### 3.3-жадвал


#### Юрак ишемик касаллиги билан оғриган аспиринга резистент ва аспиринга сезгир bemorlarning fizikal tekshiruvlari bўйича solishirma taxlil

Кўрсаткичлар	Аспиринга резистент беморлар (n=30)	Аспиринга сезгир беморлар (n=62)	P
<b>Физикал текширувлар</b>			
ЮҚС, та 1 дақ.	76,9±1,7	74,4±1,4	>0,05
Систолик АҚБ мм.сим.уст.	130,3±2,2	127,7±1,5	>0,05
Диастолик АҚБ мм.сим.уст.	81,5±1,2	80,1±0,8	>0,05
Ўртача АҚБ мм.сим.уст.	105,9±1,5	104,3±1,0	>0,05

Изоҳ: p – солиширилаётган гурухлар орасидаги фарқ.

Аспиринга резистентлик ва сезгирлик аниқланган иккала гуруҳда ҳам систолик ва диастолик АҚБ бўйича кўрсаткичлар меъёр даражасида бўлди, гуругхлар ўзаро таққосланганда ствистик ишонарли фарқланишлар аниқланмади: аспиринга резистент bemorlarда систолик АҚБ 130,3±2,2 мм.сим.уст., диастолик АҚБ 81,5±1,2 мм.сим.уст., ўртача АҚБ 105,9±1,5 мм.сим.уст., АСКга сезгир bemorlarда эса систолик АҚБ 127,7±1,5 мм.сим.уст., диастолик АҚБ 80,1±0,8 мм.сим.уст. ва ўртача АҚБ 104,3±1,0 мм.сим.уст.га teng бўлди ( $p>0,05$ )(4.1-расм).

Физикал текширув натижалари бўйича диаграмма 3.7-расмда кўрсатилган.



### **3.7-расм. Аспиринга резистент ва унга сезувчан ЮИК билан оғриган беморларда физикал кўрсаткичлар бўйича фарқлар.**

Лаборатор кўрсаткичлар бўйича ўтказилган қиёслама таҳлилда умумий қон таҳлили (гемоглобин, эритроцит, лейкоцит, тромбоцит, ЭЧТ) ва коагулограмма кўрсаткичлари (ПТИ, фибриноген, АЧТВ) бўйича иккала гуруҳда ҳам статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмади.

Аспиринга резистент беморлар гуруҳида қон таркибидаги гемоглобин миқлори  $130,4 \pm 2,9$  г/л, эритроцит миқдори  $4,3 \pm 0,1 \times 10^{12}/\text{л}$ , лейкоцит миқдори  $7,03 \pm 0,4 \times 10^9/\text{л}$ , тромбоцит миқдори  $221,9 \pm 10,9 \times 10^9/\text{л}$  ва ЭЧТ  $9,2 \pm 1,6$  мм/с ни ташкил этди. ACKга сезирлик мавжуд бўлган беморлар гуруҳида қон таркибидаги гемоглобин миқлори  $134,2 \pm 2,2$  г/л, эритроцит миқдори  $4,4 \pm 0,1 \times 10^{12}/\text{л}$ , лейкоцит миқдори  $6,7 \pm 0,2 \times 10^9/\text{л}$ , тромбоцит миқдори  $233,6 \pm 8,7 \times 10^9/\text{л}$  ва ЭЧТ  $7,5 \pm 0,8$  мм/с ни ташкил этди. Фақат ACKга резистент беморлар гуруҳида

Қоннинг биокиомёвий таҳлилида АЛТ, АСТ, умумий биллирубин кўрсаткичлари иккала гуруҳда ҳам фарқ қилмади. Фақат ACKга резистент беморлар гуруҳида ACKга сезирлик мавжуд беморлар гуруҳига нисбатан глюкоза миқдорининг юқорилиги қайд этилди ва гуруҳлар аро фарқланишлар статистик аҳамият касб этди ( $7,1 \pm 0,5$ ,  $p < 0,05$ ), креатинин ва мочевина кўрсаткичлари эса нисбатан баланд бўлди, аммо кўрсаткичлар статистик

аҳамиятга эга бўлмади (3.4-жадвал).

### 3.4-жадвал

#### **Юрак ишемик касаллиги билан оғриган аспиринга резистент ва аспиринга сезгир беморларнинг лаборатор текширувлари бўйича солиштирма таҳлил**

Кўрсаткичлар	Аспиринга резистент беморлар (n=32)	Аспиринга сезгир беморлар (n=60)	P
<b>Умумий қон таҳлили</b>			
Гемоглобин, г/л	130,4±2,9	134,2±2,2	>0,05
Эритроцит, 10 <sup>12</sup> /л	4,3±0,1	4,6±0,1	>0,05
Лейкоцит, 10 <sup>9</sup> /л	7,0±0,4	6,7±0,3	>0,05
Тромбоцит, 10 <sup>9</sup> /л	221,9±10,9	233,6±8,7	>0,05
ЭЧТ, мм/с	9,2±1,6	7,5±0,8	>0,05
<b>Қон биокимёвий таҳлили</b>			
АЛТ, нис.бир.	25,6± 0,8	25,4 ± 0,8	>0,05
АСТ, нис.бир.	19,6±0,5	20,7 ± 0,6	>0,05
Умумий билирубин, мкмоль/л	9,5± 0,6	10,4 ±0,7	>0,05
Глюкоза, ммоль/л	7,1±0,6	5,7±0,3	<0,05
Мочевина, ммоль/л	6,5±0,2	7,2±0,5	>0,05
Креатинин, мкмоль/л	79,6±1,2	81,3±1,7	>0,05
<b>Коагулограмма</b>			
ПТИ, %	88,3±1,6	91,5±1,6	>0,05
Фибриноген, г/л	372,7±15,5	371,1±14,0	>0,05
ФКТВ, с	27,9±0,9	27,7±0,7	>0,05
<b>Липид спектр</b>			
ХС, ммоль/л	5,3±0,2	4,5±0,1	<0,01
ТГ, ммоль/л	1,8±0,2	1,5±0,1	<0,05
ЮЗЛП, ммоль/л	1,1±0,1	1,0±0,0	>0,05
ПЗЛП, ммоль/л	3,6±0,2	3,2±0,1	<0,05
ЖПЗЛП,ммоль/л	0,3±0,1	0,3±0,0	>0,05

Изоҳ: р – солиштирилаётган гурухлар орасидаги фарқ

Липид спектр кўрсаткичларидан холестерин (мос равища 5,3±0,2 ва 4,51±0,1, p<0,01) ва ПЗЛП (мос равища 3,6±0,1 ва 3,2±0,1, p<0,05) ва триглицеридлар (мос равища 1,8±0,2 ва 1,5±0,1, p<0,05) микдори АСКга

резистент беморлар гурухида АСКга сезувчан беморлар гурухига нисбатан статистик аҳамиятли фарқланишга эга бўлди.

Қолган атероген липопротеидлар жумладан, жуда паст зичликдаги липопротеидлар (ЖПЗЛП) кўрсаткичлари АСКга резистент беморлар гурухида таққосланаётган гурухга нисбатан юқорироқ бўлди, бироқ фарқланишлар статистик ишончли бўлмади (мос равища  $0,3\pm0,1$  ва  $0,3\pm0,0$ ,  $p>0,05$ ). Антиатероген юқори зичликдаги липопротеидлар (ЮЗЛП) эса АСКга резистент беморлар гурухида ва АСКга сезувчан беморлар гурухида ўзаро статистик аҳамиятли фарқланишларга эга бўлмади (мос равища  $0,3\pm0,1$  ва  $0,3\pm0,1$ ,  $p>0,05$ ).

### **3.5-жадвал**

#### **Юрак ишемик касаллиги билан оғриган аспиринга резистент ва аспиринга сезувчан беморларда ўtkазилган ЭхоКГ текшируви натижаларининг солиштирма таҳлили**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Аспиринга резистент беморлар (n=32)</b>	<b>Аспиринга сезигир беморлар (n=60)</b>	<b>p</b>
ЧҚ СДЎ, см	$5,15\pm0,11$	$5,04\pm0,07$	$>0,05$
ЧҚ ССЎ, см	$3,75\pm0,11$	$3,55\pm0,08$	$>0,05$
ЧҚ СДХ, мл	$129,63\pm6,27$	$124,31\pm4,54$	$>0,05$
ЧҚ ССХ, мл	$83,2\pm2,64$	$75,6\pm2,12$	$>0,05$
ЧҚОФ, %	$53,57\pm1,2$	$56,89\pm0,86$	$<0,05$
<b>Трансмитрал оқим кўрсаткичлари</b>			
E, м/с	$0,49\pm0,05$	$0,44\pm0,03$	$>0,05$
A, м/с	$0,71\pm0,04$	$0,75\pm0,06$	$>0,05$
E/A	$0,69\pm0,02$	$0,59\pm0,04$	$>0,05$

Изоҳ: p – солиштирилаётган гурухлар орасидаги фарқ

3.5-жадвал бўйича, ЭхоКГдаги ўзгаришлар – қон отиш фракцияси 50% дан камлиги, чап қоринча диастолик дисфункцияси юрак камералари ва клапан аппаратидаги структур бузилишлар иккала гурухда ҳам қайд этилди, бироқ статистик аҳамиятли фарқлар кузатилмади.

Шундай қилиб, АСКга резистентлик мавжуд беморларда АСК сезувчан беморлар гурухига нисбатан клиник ва лаборатор-инструментал

текширувларда статистик аҳамиятли фарқлар қайд этилмади аммо, ЮИК клиник белгиларининг аспирин резистент беморларда яққолроқ намоён бўлиши кузатилди..

Ушбу ўзгаришлар аспиринрезистентлик ривожланган беморларда касалликнинг нисбатан оғирроқ кечишини ва асоратлар ривожланиш хавфининг юқори бўлишини англатади.

**IV БОБ. ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИДА ТУРЛИ  
КАРДИОВАСКУЛЯР ХАВФ ОМИЛЛАРИНИНГ ВА ЯЛЛИҒЛАНИШ  
ОЛДИ ЦИТОКИНЛАРИНИНГ ТРОМБОЦИТЛАР ФУНКЦИОНАЛ  
ФАОЛЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ**

**§4.1. Юрак ишемияси касаллиги мавжуд беморларда тромбоцитлар  
агрегациясининг турли кардиоваскуляр хавф омиллари билан  
боғлиқлиги**

Кардиоваскуляр хавф омили бўлган беморлар ёшининг тромбоцитлар агрегациясига таъсирини баҳолаш учун ЮИК ТЗС II-III ФС билан оғриган bemorлар икки гурухга ажратилди:

- ёш ва ўрта ёшдаги bemorлар: 60 ёшгача бўлган bemorлар (n=23);
- кекса ва қари ёшдаги bemorлар: 60 ёш ва ундан катта bemorлар (n=69).

Ушбу тадқиқотни амалга ошириш жараёнида ёш ортиб бориши билан АСК препаратини қабул қилган bemorлар гурухида тромбоцитларнинг функционал фаоллиги ҳам ошиб бориши аниқланди. Бунда спонтан агрегация  $1,63 \pm 0,07$  ( $p < 0,05$ ), 1,0 мкмоль АДФ қўлланилганда  $15,39 \pm 1,04$  ( $p < 0,01$ ) ва 5,0 мкмоль концентрацияда қўлланилганда  $54,59 \pm 2,37$  ( $p < 0,01$ ) тромбоцитлар функционал фаоллиги ошиши статистик аҳамиятли бўлди (4.1-жадвал).


**4.1-жадвал**

**Юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда ёш бўйича тромбоцитлар  
агрегацияси солиштирма таҳлили,  $M \pm m$**


Агрегация кўрсаткичлари, нис.бир.	Спонтан агрегация, нис.бир.	0,1 мкМ АДФ, нис.бир.	1,0 мкМ АДФ, нис.бир.	5,0 мкМ АДФ, %
Ёш ва ўрта ёшдаги bemorлар n=23	$1,35 \pm 0,09$	$4,66 \pm 1,03$	$9,84 \pm 1,61$	$38,33 \pm 4,4$
Кекса ёшдаги bemorлар, n=69	$1,63 \pm 0,07^*$	$6,02 \pm 0,51$	$15,39 \pm 1,04^{**}$	$54,59 \pm 2,37^{**}$

Изоҳ: \*–  $p < 0,05$ , \*\*–  $p < 0,01$  фарқлар ёш ва ўрта ёш bemorлар тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли

Шунингдек, тромбоцитлар агрегацияси ва беморлар ёши ўртасидаги корреляцион боғланишлар ўрганилганда ўзаро ишончли корреляцион боғланишлар спонтан агрегация ( $r=0,157$ ) ( $p<0,05$ ) ва 5,0 мкмоль АДФ-индуцирланган агрегацияда ( $r=0,298$ ) ( $p<0,05$ ) аниқланди (4.1-4.2-расмлар).



**4.1-расм. Спонтан тромбоцитлар агрегацияси ва беморлар ёши ўртасидаги корреляцион боғланишлар.**



**4.2-расм. 5,0 мкмоль АДФ-индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ва беморлар ёши ўртасидаги корреляцион боғланишлар.**

ЮИК ТЗС II-III ФС билан оғриган беморларда тромбоцитлар агрегациясининг гендер хусусиятлари ўрганилганда антиагрегант терапия

олган аёлларда эркакларга қараганда тромбоцитлар агрегациясининг барча кўрсаткичлари юқори эканлиги аниқланди. Аммо, гурухлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқланишлар аниқланмади ( $p>0,05$ ) (жадвал 4.2).

#### **4.2-жадвал**

#### **Юрак ишемик касаллиги мавжуд bemорларда жинс бўйича тромбоцитлар агрегацияси солиштирма таҳлили, M±m**

Агрегация кўрсаткичлари, нис.бир.	Спонтан агрегация, нис.бир.	0,1 мкМ АДФ, нис.бир.	1,0 мкМ АДФ, нис.бир.	5,0 мкМ АДФ, %
Эркаклар, n=50	1,54±0,07	5,25±0,59	13,1±1,21	49,05±2,96
Аёллар, n=42	1,59±0,08	6,2±0,73	15,12±1,37	52,28±3,32

Изоҳ: р - солиштирилаётган гурухлар орасидаги фарқ

Маълумки, чекиш ЮИК билан оғриган bemорларда касалликнинг авж олиши ва асоратлар ривожланишига сабаб бўлувчи тромбогенез ҳамда эндотелиал дисфункция пайдо бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли ушбу омилнинг тромбоцитлар агрегациясига таъсири баҳоланди.

ЮИК билан оғриган bemорларда заарли одат – чекишнинг мавжуд/мавжуд эмаслигига кўра тромбоцитлар агрегациясини баҳолаш 4.3-жадвалда келтирилган.

#### **4.3-жадвал**

#### **Чекиш/чекмасликка кўра юрак ишемик касаллиги билан оғриган bemорларда тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари, M±SD**

Агрегация кўрсаткичлари, нис.бир.	Спонтаннис.бир.	0,1 мкМ АДФ, нис.бир.	1,0 мкМ АДФ, нис.бир.	5,0 мкМ АДФ, %
Чекмайдиганлар, (n=58)	1,43±0,06	5,28±0,56	13,5±1,16	46,52±2,7
Чекувчилар, (n=34)	1,79±0,1*	6,38±0,8	14,87±1,48	57,36±3,6*

Изоҳ: \* –  $p<0,05$  фарқлар чекиш мавжуд бўлмаган bemорлар тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли

Унга кўра, юрак-кон томир касаллклари хавф омили бўлган чекиш мавжуд (n=34) ва чекиш мавжуд бўлмаган (n=58) гурухларда статистик аҳамиятли ўзгаришлар спонтан тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичларида

( $1,79 \pm 0,1$ ,  $p < 0,05$ ) ва  $5,0$  мкмоль АДФ-индуцирланган агрегация кўрсаткичларида ( $57,36 \pm 3,6$ ,  $p < 0,05$ ) кузатилди.

Тромбоцитлар фаоллигининг ошиши ва юрак-қон томир касалликлари ривожланишида семизликнинг хавф омили сифатидаги аҳамияти сўнгги йилларда тобора ортиб бормоқда. Бундан ташқари семизлик қандли диабет ва артериал гипертензия ривожланишида ҳам асосий хавф омилларидан бири ҳисобланади ҳамда ўлим кўрсаткичларининг ортишига олиб келади. Шунинг учун семизлик қайд этилган ЮИК ТЗС II-III ФС мавжуд бўлган беморларда тромбоцитларнинг агрегация қобилиятини ўрганиш кўпчиликда катта қизиқиш уйғотади.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, семизликдан азият чекаётган ЮИК ТЗС II-III ФС билан оғриган беморларда тромбоцитларнинг анча юқори спонтан агрегацияси ва АДФ-индуцирланган агрегация кузатилди (4.4-жадвал).

#### **4.4-жадвал**

##### **Юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда тана вазни индекси бўйича тромбоцитлар агрегацияси солиштирма таҳлили, $M \pm m$**

Агрегация кўрсаткичлари, нис.бир.	Спонтан агрегация, нис.бир.	<b>0,1 мкМ АДФ, нис.бир.</b>	<b>1,0 мкМ АДФ, нис.бир.</b>	<b>5,0 мкМ АДФ, %</b>
ТВИ $<30$ кг/м $^2$ , n=59	$1,48 \pm 0,07$	$5,23 \pm 0,53$	$13,55 \pm 1,15$	$43,47 \pm 2,5$
ТВИ $>30$ кг/м $^2$ , n=33	$1,71 \pm 0,09^*$	$6,49 \pm 0,89$	$14,81 \pm 1,51$	$63,13 \pm 3,25^{**}$


Изоҳ: \*—  $p < 0,05$ , \*\*—  $p < 0,01$  фарқлар тана вазни индекси меъёрида бўлган беморлар тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли

Таъкидлаш жоизки, семизликнинг турли даражалари қайд этилган беморларда семизлик аниқланмаган шахсларга нисбатан спонтан агрегация кўрсаткичлари (мос равища  $1,71 \pm 0,09$  ва  $1,48 \pm 0,07$ ,  $p < 0,05$ ) ва АДФ концентрацияси  $5,0$  мкмоль бўлганда тромбоцитларнинг АДФ-индуцирланган агрегацияси статистик ишончли юқори бўлди (мос равища  $63,13 \pm 3,25$  ва  $43,47 \pm 2,5$ ,  $p < 0,05$ ).

Турли тана вазнига эга ЮИК билан оғриган беморларда

тромбоцитларнинг функционал фаоллигини баҳолаш шуни кўрсатдики, антиагрегант терапия шароитида аёллар ва эркакларда тромбоцитларнинг нормал агрегацияси бўлган гуруҳда ўртача ТВИ  $34,6\pm7,1$  ни ташкил қилди. Тромбоцитлар агрегацияси юқори бўлган гуруҳда ўртача ТВИ  $37,12\pm5,47$  ни ташкил этди.

Тадқиқотдан олинган натижалар шуни кўрсатдики, тромбоцитларнинг нормал агрегацияси бўлган bemорлар гурухида ТВИ 30,0 дан паст бўлган (28,3%) ва семизликнинг I даражаси бўлган bemорлар (33,7%) устунлик қилди, семизликнинг II ва III даражаси қайд этилган bemорлар камчиликни ташкил этди (мос равища 10,8% ва 6,7%).




#### **4.3-расм. Тана вазнига боғлиқ ҳолда тромбоцитларнинг нормал ва юқори агрегацияси аниқланган bemорларнинг тақсимланиши.**

4.3.-расмда келтирилганидек, тромбоцитлар агрегацияси ошган bemорлар гурухида ТВИ 100% ҳолатда мөйёрдан баланд бўлди: 38% – I даражали семизлик, 14,2% – II даражали семизлик, 21,4% – III даражали семизлик, 26,1% – ортиқча тана вазни. Нормал тана вазнига эга bemорлар ушбу гуруҳда қайд этилмади. Барча ҳолатда семизлик абдоминал хусусиятга эга бўлди.


Ортиқча тана вазни қайд этилган bemорлар гурухида ўтказилган корреляцион таҳлил спонтан агрегация ва тана вазни индеки ўртасида кучсиз

мусбат корреляцион боғлиқликни ( $r=0,249$ ,  $p<0,05$ )(4.4-расм), ҳамда 5,0 мкмоль АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ва тана вазни индекси ўртасида ўртача кучли мусбат корреляцион боғланиш мавжудлигини кўрсатди ( $r=0,433$ ,  $p<0,05$ )(4.5-расм).



**4.4-расм. Спонтан тромбоцитлар агрегацияси ва тана вазни индекси ўртасидаги корреляцион боғланишлар.**

АДФнинг кичик концентрацияларидағи тромбоцитлар агрегацияси, жумладан 0,1 мкмоль АДФ-индуцирланган агрегация ( $r=0,066$ ,  $p>0,05$ ) ҳамда 1,0 мкмоль АДФ-индуцирланган агрегация кўрсаткичлари ва ТВИ ўртасида ишончли корреляцион боғланишлар аниқланмади ( $r=0,079$ ,  $p>0,05$ ).



**4.5-расм. 5,0 мкмоль АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ва тана вазни индекси ўртасидаги корреляцион боғланишлар.**

Маълумки, липидлар алмашинуви бузилишлари ЮИК ривожланишида патогенетик муҳим омиллардан бири ҳисобланади. ЮИК билан оғриган беморларда липид алмашинуви бузилишига боғлиқ равища тромбоцитлар агрегацияси текшируви ўтказилганда юқори тромбоцитар агрегация қайд этилган беморларда атероген липопротеидлар: умумий холестерин, триглицерид, ЗПЛП ва ЗЖПЛП кўрсаткичлари меъёрий тромбоцитлар агрегациясига эга беморларга нисбатан баландроқ бўлиши аниқланди.

Зичлиги паст липопротеидлар (ЗПЛП) кўрсаткичи ошган беморларда спонтан тромбоцитлар агрегацияси ЗПЛП кўрсаткичлари меъёрида бўлган беморлар гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятли тарзда юқори бўлди (мос равища  $1,76\pm0,09$  ва  $1,42\pm0,06$ ,  $p<0,01$ ).

Шунингдек, ушбу гуруҳ беморларда индуцирланган тромбоцитлар агрегация кўрсаткичларидан фақат 5,0 мкм АДФ-индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари ЗПЛП кўрсаткичлари меъёрида бўлган беморлар гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятли тарзда юқори бўлди ( $57,66\pm3,03$  ва  $45,29\pm2,93$ ,  $p<0,01$ ) (4.5-жадвал).

#### **4.5-жадвал**

##### **Юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда юқори даражадаги зичлиги паст липопротеидлар мавжудлиги бўйича тромбоцитлар агрегацияси солиштирма таҳлили, $M\pm m$**

Агрегация кўрсаткичлари, нис.бир.	Спонтан агрегация, нис.бир.	0,1 мкМ АДФ, нис.бир.	1,0 мкМ АДФ, нис.бир.	5,0 мкМ АДФ, %
ЗПЛП<3,5 ммоль/л $n=53$	$1,42\pm0,06$	$5,73\pm0,65$	$13,36\pm1,25$	$45,29\pm2,93$
ЗПЛП>3,5 ммоль/л $n=39$	$1,76\pm0,09^*$	$5,62\pm0,66$	$14,88\pm1,32$	$57,66\pm3,03^*$

Изоҳ: \*—  $p<0,01$ , фарқлар ЗПЛП меъёрида бўлган беморлар тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли

Гиперхолестеринемия мавжуд бўлган беморлар гурухида 0,1 мкм АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси холестерин кўрсаткичи меъёрида бўлган беморлар гуруҳига нисбатан юқори бўлди ( $14,88\pm1,32$  ва  $13,36\pm1,25$

p<0,05). Шунингдек, ушбу гурух беморларда 5,0 мкм АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси холестерин кўрсаткичи меъёрида бўлган беморлар гурухига нисбатан статистик ишонарли тарзда юқори бўлди ( $57,66\pm3,073$  ва  $45,29\pm2,93$ , p<0,05) (4.6-жадвал).

#### **4.6-жадвал**

#### **Юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда гиперхолестеринемия мавжудлиги бўйича тромбоцитлар агрегацияси солиштирма таҳлили, $M\pm m$**

Агрегация кўрсаткичлари, нис.бир.	Спонтан агрегация, нис.бир.	0,1 мкМ АДФ, нис.бир.	1,0 мкМ АДФ, нис.бир.	5,0 мкМ АДФ, %
Ум. Холестерин<5,7 ммоль/л n=74	$1,53\pm0,06$	$5,66\pm0,54$	$13,44\pm1,06$	$48,55\pm2,45$
Ум. Холестерин >5,7 ммоль/л n=18	$1,68\pm0,13$	$5,78\pm0,92$	$16,31\pm1,56^*$	$58,65\pm4,71^*$

Изоҳ: \*— p<0,05, фарқлар умумий холестерин меъёрида бўлган беморлар тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли

Шунингдек, гипертриглицеридемия мавжуд бўлган беморлар гурухида фақат спонтан тромбоцитлар агрегацияси триглицерид кўрсаткичи меъёрида бўлган беморлар гурухига нисбатан юқори бўлди ( $1,78\pm0,09$  ва  $1,53\pm0,06$ , p<0,05) (4.7-жадвал).


#### **4.7-жадвал**

#### **Юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда гипертриглицеридемия мавжудлиги бўйича тромбоцитлар агрегацияси солиштирма таҳлили, $M\pm m$**

Агрегация кўрсаткичлари, нис.бир.	Спонтан агрегация, нис.бир.	0,1 мкМ АДФ, нис.бир.	1,0 мкМ АДФ, нис.бир.	5,0 мкМ АДФ, %
ТГ<2,25 ммоль/л n=81	$1,53\pm0,06$	$4,46\pm0,52$	$14\pm0,99$	$49,39\pm2,37$
ТГ>2,25 ммоль/л n=11	$1,78\pm0,09^*$	$5,85\pm0,63$	$14,02\pm2,2$	$58,87\pm5,57$


Изоҳ: \*— p<0,05, фарқлар триглицеридлар меъёрида бўлган беморлар тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли

Пирсон бўйича ўтказилган липопротеидлар ва тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари ўртасида ўтказилган корреляцион тахлил натижаларига кўра умумий холестерин ва спонтан тромбоцитлар агрегацияси ўртасида ўртacha кучли мусбат корреляцион боғлиқликлар аниқланди ( $r=0,304$ ,  $p<0,01$ )(4.6-расм).



**4.6-расм. Умумий холестерин ва спонтан тромбоцитлар агрегацияси ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар.**


Шу билан бир каторда 5,0 мкмоль АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ўртасида ўртacha кучли мусбат корреляцион боғлиқликлар аниқланди ( $r=0,373$ ,  $p<0,01$ )(4.7-расм).



**4.7-расм. Умумий холестерин ва 5,0 АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар.**


АДФнинг 0,1 ва 1,0 мкмоль кичик концентрациялари ва умумий холестерин ўртасида ўзаро корреляцион боғлиқликлар аниқланмади (мос равища  $r=0,071$  ва  $r=0,126$ ,  $p>0,05$ ).

Триглицерид ва спонтан тромбоцитлар агрегацияси ўртасида кучсиз тўғри корреляцион боғлиқлик кузатилди ( $r=0,275$ ,  $p<0,01$ ) (4.8-расм).



**4.8-расм. Триглицеридлар ва спонтан тромбоцитлар агрегацияси ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар.**


5,0 мкмоль АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ўртасида ҳам кучсиз тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланди ( $r=0,200$ ,  $p<0,05$ ) (4.9-расм).



**4.9-расм. Триглицеридлар ва 5,0 АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар.**


АДФнинг 0,1 ва 1,0 мкмоль кичик концентрациялари ва липопротеидлар ўртасида ўзаро корреляцион боғлиқликлар аниқланмади (мос равища  $r=0,048$  ва  $r=0,088$ ,  $p>0,05$ ).

ЗПЛП ва спонтан тромбоцитлар агрегацияси ўртасида кучсиз корреляцион боғлиқлик аниқланди ( $r=0,226$ ,  $p<0,05$ )(4.10-расм).



**4.10-расм. ЗПЛП ва спонтан тромбоцитлар агрегацияси ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар.**

Шунингдек, 5,0 мкмоль АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ўртасида кучсиз корреляцион боғлиқлик аниқланди ( $r=0,236$ ,  $p<0,05$ )(4.11-расм).



**4.11-расм. ЗПЛП ва 5,0 АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар.**

Пирсон бўйича ўтказилган корреляцион таҳлил ЗЖПЛП ва спонтан тромбоцитлар агрегацияси ( $r=0,252$ ,  $p>0,05$ ) ўртасида кучсиз корреляцион боғлиқлик борлигини аниқланди. АДФнинг 0,1 мкмоль ( $r=0,045$ ,  $p>0,670$ ), 1,0 мкмоль ( $r=0,078$ ,  $p>0,457$ ) ва 5,0 мкмоль АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ўртасида ишончли корреляцион боғлиқликлар аниқланмади ( $r=0,164$ ,  $p>0,091$ ).

Шунингдек, ўтказилган корреляцион таҳлил натижаларига кўра ЗЮЛП ва спонтан тромбоцитлар агрегацияси ( $r=-0,081$ ,  $p>0,05$ ), 0,1 мкмоль ( $r=-0,030$ ,  $p>0,05$ ), 1,0 мкмоль ( $r=-0,022$ ,  $p>0,05$ ) ҳамда 5,0 мкмоль АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ўртасида ишончли корреляцион боғлиқликлар аниқланмади ( $r=-0,182$ ,  $p>0,05$ ).

Маълумки, ЮИК кўп ҳолларда гипертония касаллиги ва қандли диабет 2 тип билан бирга кечади. Тадқиқот натижаларига кўра, ЮИК ва гипертония касаллиги бирга кечганд беморларда гипертония касаллиги мавжуд бўлмаган bemorларга нисбатан тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичларининг юқори эканлиги қайд этилди, аммо гурухлар аро статистик аҳамиятли фарқланишлар аниқланмади ( $p<0,05$ ) (4.8-жадвал).

#### **4.8-жадвал**

##### **Юрак ишемик касаллиги ва гипертония касаллиги мавжуд bemorларда тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари солиштирма таҳлили, $M\pm m$**

Агрегация кўрсаткичлари, нис.бир.	Спонтан агрегация, нис.бир.	0,1 мкМ АДФ, нис.бир.	1,0 мкМ АДФ, нис.бир.	5,0 мкМ АДФ, %
Гипертония касаллигисиз $n=27$	$1,47\pm0,1$	$4,84\pm0,62$	$12,99\pm1,53$	$48,13\pm4,31$
Гипертония касаллиги билан $n=65$	$1,60\pm0,07$	$6,02\pm0,7$	$14,51\pm1,1$	$51,53\pm2,55$

Изоҳ:  $p$  – солиштирилаётган гурухлар орасидаги фарқ

Шу билан бирга, ЮИК ва қандли диабет 2 тип мавжуд bemorларда қандли диабет 2 тип мавжуд бўлмаган bemorларга нисбатан спонтан тромбоцитлар агрегацияси ( $1,73\pm0,1$ ,  $p<0,01$ ) ва 5,0 мкм АДФ-индуцирланган

тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари статистик ишонарли ошганлиги аниқланди ( $58,25\pm3,82$ ,  $p<0,01$ ) (табл. 4.9).

#### 4.9-жадвал

#### **Юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2 тип мавжуд беморларда тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари солишиштирма таҳлили, $M\pm m$**

Агрегация кўрсаткичлари, нис.бир.	Спонтан агрегация, нис.бир.	0,1 мкМ АДФ, нис.бир.	1,0 мкМ АДФ, нис.бир.	5,0 мкМ АДФ, %
Қандли диабет 2 тип мавжуд эмас $n=56$	$1,46\pm0,06$	$5,49\pm0,56$	$14,06\pm1,03$	$45,56\pm2,47$
Қандли диабет 2 тип мавжуд $n=36$	$1,73\pm0,1^*$	$5,98\pm0,81$	$14,92\pm1,71$	$58,25\pm3,82$

Изоҳ: \*—  $p<0,05$ , фарқлар қандли диабет мавжуд бўлмаган bemorlarning тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли

Шундай қилиб, ЮИК ТЗС II-III ФС билан оғриган bemorlarда ёш ўтиши билан АСКнинг антиагрегант самарадорлиги яққол пасайиши кузатилди ва ёш ҳамда тромбоцитлар агрегация кўрсаткичлари ўртасида корреляцион боғлиқликлар аниқланди. Жинснинг тромбоцитлар агрегациясига таъсири бўйича статистик фарқланишлар аниқланмади аммо аёлларда эркакларга нисбатан тромбоцитлар агрегация кўрсаткичлари нисбатан баланд бўлиши кузатилди. Шунингдек, семизлик мавжуд бўлган bemorlarда тромбоцитлар агрегация кўрсаткичларининг семизлик мавжуд бўлмаган bemorlarга нисбатан баланд бўлиши кузатилди. Чекувчи bemorlarда ҳам тромбоцитлар агрегацияси юқорилиги кузатилди, аммо натижалар статистик ишонарли бўлмади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ЮИК билан оғриган bemorlarда проатероген липопротеидлар концентрацияси юқори бўлиб, тромбоцитлар функционал фаоллиги билан тўғри корреляцион боғланишга эга. Бу эса адабиётлардаги маълумотлар билан мос келади.

ЮИК касаллиги ва ёндош касалликлар таҳлили қандли диабет билан оғриган bemorlarда тромбоцитларнинг агрегацион хусусияти кучли намоён бўлишини кўрсатди ва аспиринрезистент bemorlar орасида қандли диабет

билин оғриган беморларга нисбатан аспиринга сезгир беморлар күпроқ учради. Натижаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, ЮИК фонида АГ билан оғриган беморлар артериал гипертензия даражасига боғлиқ бўлмаган ҳолда юқори тромбоцитар фаолликка эга бўлади.

Олинган маълумотлар, юқорида санаб ўтилган барча кардиоваскуляр омиллар учун асоратлар ривожланиши механизmlарини ўзаро боғлайдиган гипоксия ва эндоген интоксикация таъсирининг умумийлиги туфайли уларнинг тромбоцитлар агрегациясига таъсирининг юқори эҳтимоли борлигини кўрсатди.

#### **§4.2. Юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда яллиғланиш олди цитокинларнинг тромбоцитлар агрегациясига таъсири**

Тромбоцитлар атеросклероз ривожланишининг асосий агентларидан бири бўлиб, эндотелий ва ҳужайра элементлари билан муносабатга киришади ҳамда яллиғланиш ва атеросклероз ўртасида ўзаро боғлиқликни тиклайди. Тизимли яллиғланишнинг атерогенездаги ўрни ҳисобга олинган ҳолда, АСК қабул қилувчи ЮИК билан оғриган беморларда тромбоцитларнинг агрегацион қобилиятини интерлейкин – 1 $\beta$ , интерлейкин – 6 билан ўзаро боғлиқликда ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилди.

#### **4.10-жадвал**

#### **Аспирин қабули фонида юрак ишемик касаллиги мавжуд аспиринга резистент ва сезгир беморларда яллиғланиш цитокинларининг кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Аспиринга резистент беморлар, n=30	Аспиринга сезгир беморлар, n=62	P
IL – 1 $\beta$ , пг/мл	9,34±1,51	5,32±0,89	<0,01
IL – 6, пг/мл	12,58±3,17	8,87±1,43	>0,05

Изоҳ: p – солиштирилаётган групкалар орасидаги фарқ

Тадқиқотда нормал ва юқори тромбоцитлар агрегацияси кузатилған беморлар гурухыда яллиғланиш цитокинлари күрсаткичлари (IL – 1 $\beta$ , IL – 6) мөйернинг юқори чегараларидан ошгани ва гурухлараро фарқлар аниқланди: аспиринга резистент беморлар гурухыда (мос равища IL – 1 $\beta$   $9,34\pm1,51$  ва  $5,32\pm0,89$  пг/мл, IL – 6  $12,58\pm3,17$  ва  $8,87\pm1,43$  пг/мл,  $p<0,05$ ) (4.10-жадвал).

Тадқиқотни олиб бориш давомида Пирсон корреляцион таҳлили натижалари бўйича IL – 1 $\beta$  билан спонтан тромбоцитлар агрегацияси билан кучсиз мусбат корреляцион боғлиқлик ( $r=0,185$ ,  $p<0,05$ ), IL – 1 $\beta$  билан 0,1 мкмоль АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ( $r=0,009$ ,  $p>0,05$ ) ва 1,0 мкмоль АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ўртасида ( $r=0,020$ ,  $p>0,05$ ) корреляцион боғлиқликлар аниқланмади (4.11-жадвал).


#### 4.11-жадвал

##### **Юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда тромбоцитлар агрегацияси ва цитокинлар кўрсаткичларининг корреляцион таҳлили**


Агрегация параметрлари, бирлик	r	
	IL – 1 $\beta$	IL – 6
Спонтан агрегация, нис.бирл.	0,185*	0,093*
0,1 мкМ АДФ, нисб.бирл.	0,009	0,034
1,0 мкМ АДФ, нисб.бирл.	0,020	0,057
5,0 мкМ АДФ, %	0,287**	0,147*

Изоҳ: r – корреляция коэффициенти, \* – аҳамиятлилик кўрсаткичи  $p<0,05$  га тенг, \*\* – аҳамиятлилик кўрсаткичи  $p<0,01$  га тенг.

Шунингдек, IL – 1 $\beta$  билан 5,0 мкмоль АДФ-индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ўртасида ( $r=0,287$ ,  $p<0,01$ ) статистик аҳамиятли кучсиз мусбат корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланди (4.12,13-расм).




**4.12-расм. IL – 1 $\beta$  ва спонтан тромбоцитлар агрегацияси күрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар.**




**4.13-расм. IL – 1 $\beta$  ва 5,0 мкмоль АДФ-индуцирланган агрегацияси күрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар.**

IL – 6 билан спонтан тромбоцитлар агрегацияси ( $r=0,093, p<0,05$ ) ва 5,0 мкмоль АДФ-индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ўртасида ( $r=0,147, p<0,05$ ) статистик аҳамиятли кучсиз мусбат корреляцион боғлиқликлар аниқланды (4.14,15-расм). Шу билан бирга, IL – 6 билан 0,1 мкмоль АДФ-индуцирланган ( $r=0,034, p>0,05$ ) ва 1,0 мкмоль АДФ-индуцирланган ( $r=0,057, p>0,05$ ) тромбоцитлар агрегацияси ўзаро корреляцион боғлиқликлар аниқланмади.



**4.14-расм. IL – 6 ва спонтан тромбоцитлар агрегацияси күрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар.**



**4.15-расм. IL – 6 ва 5,0 мкмоль АДФ-индуцирланган агрегацияси күрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар.**

Шундай қилиб, яллиғланиш олди цитокинлари билан тромбоцитлар агрегацияси ўртасида ўзаро мусбат корреляцион боғлиқликлар асосан спонтан ва 5,0 мкмоль АДФ-индуцирланган тромбоцитлар агрегация күрсаткичларида аниқланды. Яллиғланиш олди цитокинлари юқори тромбоцитлар агрегация күрсаткичлариға эга беморларда меъёрий даражадаги тромбоцитар фаолликка эга беморларга нисбатан юқори миқдорда эканлиги аниқланды.

### §4.3. Юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда аспиринга резистентликка таъсири этувчи хавф омиллари

Адабиётлар шархida келтирилганидек аспиринга резистентлик ривожланишида кардиоваскуляр хавф омилларининг таъсири муҳим аҳамият касб этади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ЮИК ТЗС мавжуд беморлар организмида сурункали гипоксия жараёнлари таъсирида кардиоваскуляр хавф омилларини агрегацияни ифодаловчи лаборатор кўрсаткичларга таъсири кўрсатиб ташхислашда қатор мураккабликларни келтириб чиқаради.

АСК қабул қилаётган турли кардиоваскуляр хавф омилларига эга ЮИК ТЗС II-III ФС мавжуд беморларда аспиринга резистентлик учраш даражаси аниқланди (4.12-жадвал).

#### 4.12-жадвал

#### **Юрак ишемик касаллиги билан оғриган турли кардиоваскуляр хавф омилларига эга беморларда аспиринга резистентлик учраш даражаси**

Гурух	Аспиринга резистентлик учраш даражаси		$\chi^2$	P	RR	OR
	Хавф омил мавжуд (%)	Хавф омил мавжуд эмас (%)				
Кекса ёш	36,7	17,4	3,25	<0,05	2,17 (0,85;5,6)	2,87 (0,88;9,38)
Жинс	28	38	1,06	>0,05	1,36 (0,76;2,45)	1,58 (0,66; 3,8)
Чекиш	35,3	31	0,18	>0,05	0,88 (0,48;1,59)	0,82 (0,34;2,02)
Семизлик	57,6	18,6	14,6	<0,001	3,09 (1,68;5,67)	5,92 (2,29;15,34)
ЗПЛП ортиши	48,7	20,75	7,99	<0,01	2,35 (1,27;4,35)	3,63 (1,46; 9,05)
Ум. холестерин ортиши	50	28,4	3,08	<0,05	1,76 (0,98;3,17)	2,52 (0,88; 7,23)
ТГ ортиши	45,4	30,8	0,21	>0,05	1,47 (0,71;3,04)	1,87 (0,52; 6,69)
Дислипидемия	50	18	10,64	<0,01	2,78 (1,43; 5,4)	4,56 (1,78;11,68)
Гипертония касаллиги	33,8	29,6	0,15	>0,05	0,88 (0,45;1,72)	0,82 (0,31; 2,18)
Қандли Диабет	52,8	19,6	10,95	<0,001	0,37 (0,2; 0,69)	0,22 (0,48; 1,59)

Изоҳ: р – солиштирилаётган гурухлар орасидаги фарқ

4.10-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, кекса ёшдаги беморлардан иборат гуруҳда аспиринга резистентлик улуши ёш ва ўрта ёшдаги bemorlarга nisbatan kўproq aniklandi (mos raviشا 36,7% hamda 17,4%  $\chi^2=3,25$  p<0,05).

Гендер фарқланишлар бўйича, аёлларда АСКга резистентлик эркакларга nisbatan kўproq kuzatildi, ammo farqlar statistik ishonarli bўlmadi (mos raviша 38% va 28%  $\chi^2=1,06$  p>0,05).

Аспиринга резистентлик чекиш мавжуд бўлган bemorlarда чекиш мавжуд бўлмаган bemorlarга nisbatan kўproq aniklandi, ammo farqlar statistik ishonarli bўlmadi (mos raviша 35,3% va 31%,  $\chi^2=0,18$ , p>0,05).

Шу билан бирга, семизлик мавжуд bemorlar гурухида аспиринга резистентлик семизлик мавжуд bўlмаган bemorlar гурухига nisbatan kўproq kuzatildi (mos raviша 57,6% va 18,6%  $\chi^2=14,6$  p<0,01).

ЗПЛП миқдори ошган bemorlarда аспиринга резистентлик улуши ЗПЛП миқдори меъёрида bўlган bemorlarга nisbatan (mos raviша 48,7% hamda 20,7%  $\chi^2=7,99$  p<0,01) юқориyoq эканлиги қайд этилди. Умумий холестерин миқдори юқори bўlган bemorlar гурухида ham umumiy холестерин миқдори меъёрида bўlган bemorlar гурухига nisbatan аспиринга резистентлик улуши kўproq ekani aniklandi (mos raviша 50% hamda 28,4%  $\chi^2=3,08$  p<0,05).

Гипертриглицеридемия мавжуд bemorlarда триглицеридлар миқдори меъёрида bўlган bemorlarга nisbatan kўproq kuzatildi, ammo farqlar statistik ishonarli bўlmadi (mos raviша 45,45% va 30,86%  $\chi^2=0,21$  p>0,05). Шунингдек, дислипидемия мавжуд bemorlarда аспиринга резистентлик дислипидемия мавжуд bўlмаган bemorlararga nisbatan kўproq aniklandi (mos raviша 50% va 18%,  $\chi^2=7,99$ , p<0,01).

Гипертония касаллиги мавжуд bemorlarда аспиринга резистентлик гипертония касаллиги мавжуд bўlмаган bemorlararga nisbatan kўproq kuzatildi, ammo farqlar statistik ishonarli bўlmadi (mos raviша 33,8%

ва 29,6%  $\chi^2=0,15$   $p>0,05$ ).

Шу билан бирга, қандли диабет мавжуд bemорларда қандли диабет мавжуд бўлмаган bemорларга нисбатан аспиринга резистентлик учраш даражаси статистик ишонарли юқори бўлди (мос равища 52,8% ва 19,64%  $\chi^2=10,95$   $p<0,05$ ).

Тадқиқот давомида, аспиринга резистентликка таъсир қилувчи хавф омилларининг биргаликдаги таъсирини ўрганиш мақсадида кўп қадамли регрессион таҳлил ўтказилди (4.13-жадвал). Таҳлилга қуйидаги хавф омиллари олинди: ёш, жинс, чекиш, ТВИ, умумий холестерин, ЗПЛП, ЗЮЛП, ЗЖПЛП, триглицерид, қандли диабет, гипертония касаллиги.

#### **4.13-жадвал**

##### **Кўп қадамли регрессион таҳлил**

Хавф омиллари	Стандартлаштирилмаган коэффициентлар		Стандартлаштирилган коэффициентлар	t	P
	B	Стандарт хатолик			
Константа	-2,133	0,378		-5,643	<0,001
ТВИ	0,047	0,012	0,336	4,011	<0,001
Умумий холестерин	0,139	0,036	0,324	3,873	<0,001
Қандли диабет	0,304	0,080	0,316	3,776	<0,001
Аспирин қабул қилиш давомийлиги	0,113	0,048	0,195	2,338	<0,05
ЗПЛП	0,148	0,073	0,183	2,027	<0,05

Изоҳ: Ўзгарувчи: Аспиринга резистентлик, t – коэффициентни стандарт хатоликка нисбати, p – солиштирилаётган гурӯхлар орасидаги фарқ

Таҳлил натижасида ТВИ, умумий холестерин, қандли диабет, аспирин қабул қилиш давомийлиги ва ЗПЛПнинг аспиринга резистентлик ривожланишига биргаликда ишончли таъсир кўрсатиши аниқланди

(стандартлаштирилган коэффициент  $\beta$  мос равища 0,336, 0,324, 0,316, 0,195, 0,183).

Үтказилган илмий тадқиқот иши натижаларига асосланиб узок муддат давомида АСК қабул қилувчи ЮИК билан оғриган беморларда АСК га резистентлик хавф даражасини аниқлаш учун тадқиқот натижаларини умумлаштириб, қуйида келтирган усул таклиф этилди (4.14-жадвал).

#### **4.14-жадвал**

#### **ЮИК билан оғриган беморларда аспиринрезистентлик хавф даражасини аниқлаш**

<b>№</b>	<b>Хавф омиллари</b>	<b>Асосий характеристикаси</b>	<b>Баллар</b>
<b>1</b>	<b>Бемор ёши</b>	55 ёшгача эркаклар 60 ёшгача аёллар	1
		55 ёшдан катта эркаклар 60 ёшдан катта аёллар	2
<b>2</b>	<b>Ацетилсалицил кислота қабул қилиш давомийлиги (АСК)</b>	1 йилгача	0
		1 йилдан 5 йилгача	1
		5 йилдан ортиқ	2
<b>3</b>	<b>ТВИ (тана вазни индекси)</b>	$< 25 \text{ кг}/\text{м}^2$	0
		$25-30 \text{ кг}/\text{м}^2$	1
		$30-35 \text{ кг}/\text{м}^2$	2
		$>35 \text{ кг}/\text{м}^2$	3
<b>4</b>	<b>Паст зичликдаги липопротеидлар (ПЗЛП) ммоль/л</b>	$<1,6 \text{ ммоль}/\text{л}$	0
		$1,6-2,5 \text{ ммоль}/\text{л}$	1
		$2,5-3,5 \text{ ммоль}/\text{л}$	2
		$>3,5 \text{ ммоль}/\text{л}$	3
<b>5</b>	<b>Анамнезда инфарктдан кейинги кардиосклероз (ИКС) мавжудлиги</b>	Бор	0
		Йўқ	1
<b>6</b>	<b>Артериал гипертензия (АГ) мавжудлиги</b>	Бор	0
		Йўқ	1
<b>7</b>	<b>Қандли диабет 2 тип мавжудлиги</b>	Бор	0
		Йўқ	1

Олинган натижалар асосида баллар кўринишида аспиринрезистентлик хавф даражасини баҳоланади.

**1-4 балл- аспиринга резистентлик хавфи наст:** АСКнинг ўртача терапевтик дозаси (75-100 мг) билан антиагрегант давони давом эттириш; дорига мувофиқликка риоя қилиш; кардиоваскуляр хавф омилларини олдини олиш (пархез-кам тўйинган ёғлар, бошоқли маҳсулотлар, сабзавотлар, мевалар, балиққа урғу бериш, 150 дақ/ҳафта ўртача жисмоний фаоллик (30 дақиқа 5 кун/ҳафта) ёки 75 дақ/ҳафта фаол аэробик фаоллик (15 дақиқа 5 кун/ҳафта) ёки уларнинг комбинацияси); йилига 1 марта қонда тромбоцитлар агрегацияси текширувини ўтказиш.

**5-9 балл - аспиринга резистентлик хавфи ўртача:** АСКнинг ўртача терапевтик дозаси (75-100 мг) билан антиагрегант давони давом эттириш; дорига мувофиқликни ошириш; кардиоваскуляр хавф омиллари таъсирини камайтириш (пархез-кам тўйинган ёғлар, бошоқли маҳсулотлар, сабзавотлар, мевалар, балиққа урғу бериш, 150 дақ/ҳафта ўртача жисмоний фаоллик (30 дақиқа 5 кун/ҳафта) ёки 75 дақ/ҳафта фаол аэробик фаоллик (15 дақиқа 5 кун/ҳафта) ёки уларнинг комбинацияси); гиперлидидемияда статинлар буюриш, гипергликемияда қонда глюкоза миқдорини камайтирувчи дорилар буюриш, 9 ойда 1 марта қонда тромбоцитлар агрегацияси текширувини ўтказиш.

**10-14 балл- аспиринга резистентлик хавфи юқори:** аспиринга резистентлик мавжуд бўлганда АСКни бошқа гурухдаги антиагрегантга алмаштириш (Клопидогрел, Тикагрелор), ўртача терапевтик дозаси (75-100 мг) билан антиагрегант давони давом эттириш; дорига мувофиқликни ошириш; кардиоваскуляр хавф омиллари таъсирини камайтириш (пархез-кам тўйинган ёғлар, бошоқли маҳсулотлар, сабзавотлар, мевалар, балиққа урғу бериш, 150 дақ/ҳафта ўртача жисмоний фаоллик (30 дақиқа 5 кун/ҳафта) ёки 75 дақ/ҳафта фаол аэробик фаоллик (15 дақиқа 5 кун/ҳафта) ёки уларнинг комбинацияси); гиперлидидемияда статинлар буюриш, гипергликемияда қонда глюкоза миқдорини камайтирувчи дорилар буюриш, 6 ойда 1 марта қонда тромбоцитлар агрегацияси текширувини ўтказиш.

Таклиф этилаётган усул ёрдамида лаборатория шароитида қонда

тромбоцитлар агрегация текширувини амалга оширишдан олдин кардиоваскуляр хавф омиллари күрсаткичларини аниқлаган ҳолда АСК резистентлик пайдо бўлиш эҳтимоли аниқланади (1-клиник мисол).

### **1-клиник мисол**

Қуидаги клиник мисолда ҳар куни 75 мг дан АСК (Кардиомагнил) қабул қилиш фонида спонтан ва АДФ индуктор таъсиридаги тромбоцитлар агрегациясининг ошган ҳолати кўрсатиб берилган.

1321 рақамли касаллик тарихи. Бемор У., 74 ёш. 15.03.2019 куни РИТ ва ТРИАТМ кардиология бўлимига қуидаги шикоятлар билан ётқизилган: жисмоний зўриқиша тўш ортидаги санчувчи оғриқлар, ҳансираш, юрак тез уриб кетиши, бош оғриғи, қон босими кўтарилиши, қулоқларда шовқин, бош айланиши, кекириш, оғизда аччиқ таъм, бўйин умуртқаси соҳасида бироз оғриқлар, ҳолсизлик.

Анамнезидан bemор сўзларига кўра ЮИК ва гипертония касаллиги билан узок йиллардан бери оғрийди. Максимал АҚБ 200/100 мм.сим.уст.гача бўлган. Касаллигини стресслар, иш шароити ва нотўғри овқатланиш билан боғлайди. Уйда дори воситаталарини (конкор, лозап+, анаприллин) бетартиб қабул қилиб келган. Кардиомагнилни 9 йилдан бери қабул қиласди. Бир неча бор стационар ва амбулатор даволанган. Бошдан ўтказган касалликлар: ЮИК, гипертония, сурункали холецистит, остеохондроз, киндик чурраси.

Объектив кўрикда bemорнинг умумий ахволи ўртacha оғирликда, ҳолати пассив, ортиқча тана вазнига эга. Тери ва шиллиқ қавтлари тоза, юзи бироз қизарган, суюк-мушак тизимида деформациялар йўқ, бўйин умуртқаси соҳасида оғриқ, кўз шоҳ пардасида қарилик ёйи, оёқларнинг пастки қисмида пастозлик аниқланди. Периферик лимфа тугунлари катталашмаган. Кўкрак қафаси цилиндрик шаклда, нафас харакатида бир хил иштирок этади. Ўпкада перкутор ўпка товуши. Аускультацияда везикуляр нафас. НОС – дақиқасига 20та. Юралари бўғиқлашган, ритмик. АҚБ 130/80 мм.сим.уст., ЮҚС –

дақиқасига 74 та, ритмик. Тили нам, оқ караш билан қопланған. Қорни юмшоқ, оғриқсиз, тери ости ёғ қатлами ҳисобига катталашған ва киндик чурраси аниқланади. Жигар ва талоқ катталашмаган. Ич келиши регуляр. Пешоб келиши тез-тез, әркін, оғриқсиз. Түрткі симптоми иккі томонлама манфий.

**ЭКГ:** ритм синусли. ЮҚС дақиқасига 100 та. Синусли тахикардия. Чап қоринча олд-ён девори ва чўккисида қон айланишининг бузилиши.

#### **Клиник-лаборатор текширувлар:**

**Умумий қон тахлили:** Лейк. – 7,41, Нейтрофил – 3,76, Лимф. – 2,93, Меноцит – 0,32, Эозинофилл – 0,34, Базофил – 0,06 Нейтрофил – 0,508 Лимф. – 0,396%, Меноцит – 0,043%, Эозинофил – 0,044% Базофилл – 0,009%, Эрит. – 4,05, Гемоглобин – 130 Гематокрит – 0,372, ўртача эрит. ҳажми – 91,9, эритроцитда гемоглобиннинг ўртача миқдори – 32,0, эритроцитда гемоглобин концентрацияси – 349, эритроцитлар аизоцитози – 0,113, стандарт оғиш – 39,3, Тромбоцит – 276, тромбоциттинг ўртача ҳажми – 9,2, тромбоцит аизоцитози – 16,1, Тромбокрит – 2,53, ЭЧТ – 20мм/с.

**Умумий сийдик тахлили:** нисбий зичлик – 1030, РН – 5,5, оқсил – излари, эпит. – 3–5-/2, Лейк. – 4–6/2 ўзгар. эрит- абс, шиллиқ++, бак-.

**Қоннинг биохимёвий тахлили:** Глюкоза овқатдан олдин – 13,1, овқатдан кейин – 21,2, гликогемоглобин – 7,2%, АЛТ – 13, АСТ – 14, Билирубин – 24,4, Креатинин – 81, Мочевина – 8,1, Липид спектр: Холестерин – 4,2, ТГ – 2,0, ЮЗЛП – 0,81, ПЗЛП – 2,99, ЖПЗЛП – 0,40.

**Коагулограмма:** ПВ – 15,4, ПТИ – 80%, МНО – 1,27, АЧТВ – 28,3, Фибриноген – 366, ТВ – 16,0.

#### **Инструментал текширувлар:**

**ЭхоКГ:**Ao – 2,7, аортал клапан очилиши – 1,5, ЧБ – 3,1, ЧК ОДҮ – 5,3, ЧК ОСҮ – 3,9, ЧК ОДХ – 134, ЧК ОФ – 51%, ЧК УФ – 26, ҚАТ – 1,2, ЧҚОД – 1,0 ЎҚ – 2,2, аортада склеротик ўзгаришлар, ЧК умумий ва регионар қисқарувчанлиги пасайиши.

**Жигар ва ўт қопи ультратовушли текшируви:** ёғли гепатоз, сурункали холецистит.

**Буйраклар ультратовушли текшируви:** косача жом тизимида тузлар.

**БЦТ доплери:** БЦТда атеросклероз белгилари. Ўнг бифуркация соҳасида 20%гача стеноз. БЦТ эгрилиги стеноз эфектисиз.

**Окулист консультацияси:** гипертоник ангиопатия.

**Ташхис:**

**Асосий:** ЮИК. Стабил зўриқишиш стенокардиясининг IIФС. Гипертония касаллигининг III босқичи, АГ I даражаси, ДЭ II босқичи. ХавфIV (ў/ю).


**Фон:** КД 2тип, ўртacha оғирлик даражаси, декомпенсация босқичи. Аорта, уйқу артериялари, бош мия артериялари умумий атеросклерози.

**Ёндош:** I даражали семизлик, сурункали холецистит, ИТС қабзият билан. Умуртқа поғонаси бўйин умуртқалари остеохондрози рефлектор синдроми билан. Киндик чурраси.


**Асорат:** СЮЕ II A бос.ФС II NYHA бўйича.

**Ўтказилган терапия:** Экватор 20/5 1таблеткадан x 1 маҳал эрталаб, Эпнон 10½ таблеткаданх 1 маҳал эрталаб, Кардиомагнил 75 мг 1 таблеткадан x 1 маҳал, Эмкор 10мг ¼ таблеткадан x 1 маҳал овқатдан олдин, Роксера 20 1 таблеткадан x 1 маҳал кечқурун, аспаркам 10,0 + натрий хлор 0,9%–100,0 вена ичига томчилатиб, моносан 40 ¼ таблеткадан x 2 маҳал, Тиоцетам 10,0 вена ичига, Урсомак 1 таблеткадан x 1 маҳал,nevaron 2,0 мушак ичига, диалипон 10,0 вена ичига томчилатиб, диаформин 850 1 таблеткадан x 2 маҳал, диапирид 21 таблеткадан эрталаб, Диклофенак мазъ.

**Тромбоцитлар агрегацияси:** спонтан – 1,6 нис. бир., 0,1 мкмоль АДФ индуцирланган–3,79 нис. бир., 1,0 мкмоль АДФ индуцирланган –6,98 нис.бир., 5,0 мкмоль АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси –79% (4.16–4.19-расмлар).




**4.16-расм. Спонтан тромбоцитлар агрегацияси:**  
**R – эгрилик амплитудаси 1,6 нисб.бирликка эга, нур ўтказиш эгрилиги 15% ни ташкил этади.**



**4.17-расм. 0,1 АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси:**  
**R – эгрилик амплитудаси 3,79 нисб.бирликка эга, нур ўтказиш эгрилиги 51% ни ташкил этади.**



**4.18-расм. 1,0 АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси:**  
**R – эгрилик амплитудаси 6,98 нисб.бирликка эга, нур ўтказиш эгрилиги 43% ни ташкил этади.**



**4.19-расм. 5,0 АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси: нур ўтказиш эгрилиги амплитудаси 79% ни ташкил этди, озод бўлиш босқичининг индуцирланган агрегация босқичи билан қўшилиши.**

Беморда аниқланган қуйидаги хавф омиллари аспиринрезистентликнинг юкори хавф гурухига тўғри келади (умумий 10 балл):

- 60 ёшдан катта ёш (74 ёш)-2 балл,
- 5 йилдан ошиқ муддат АСК қабул қилиш (9 йилдан бери)-2 балл,
- ИМТ – 32-2 балл,
- ПЗЛП-2,99-2 балл,
- ёндош ГК-1 балл,
- ёндош ҚД-1 балл.

Умумий ҳисоб-10 баллни ташкил қилди.

Бундан ташқари bemorimizda қуйидагилар аниқланди:

- Мориск–Грин сўровномаси бўйича антиагрегантга мувофиқлик даражаси – 3 балл;
  - спонтан агрегация – 1,6 нис. бир., 0,1 мкмоль АДФ индуцирланган – 3,79 нис. бир., 1,0 мкмоль АДФ индуцирланган – 6,98 нис. бир., 5,0 мкмоль АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси – 79%.
  - Интерлейкинлар миқдори: Ил-1=6,1, Ил-6=8,4

**Тавсия:** антиагрегант дозасини ошириш (100мг) ёки бошқа гурух антиагрегантини қўллаш (клопидогрел), дорига мувофиқликни ошириш; кардиоваскуляр хавф омиллари таъсирини камайтириш (парҳез-кам тўйинган

ёғлар, бошоқли маҳсулотлар, сабзавотлар, мевалар, балиққа ургу бериш, 150 дақ/хафта ўртача жисмоний фаоллик (30 дақиқа 5 кун/хафта) ёки 75 дақ/хафта фаол аэробик фаоллик (15 дақиқа 5 кун/хафта) ёки уларнинг комбинацияси); тромбоцитлар агрегацияси текширувини ҳозир ва ҳар 6 ойда ўтказиш, антиагрегант терапияга мувофиқликни ошириш, статинлар тавсия этиш, ёндош семизлик, ГК ва КД касалликлари давосини оптималлаштириш.

## **ХОТИМА**

Исботланган тиббиёт нуқтаи назаридан антиагрегант препаратларни қон-томир касалликларининг бирламчи ва иккиламчи профилактикаси мақсадида қўллаш ЮИК фармакотерапиясининг асосий компоненти ҳисобланади. Антиагрегант дори воситаларини қўллаш тромбоцитлар функционал фаоллигини пасайтириш орқали юрак-қон томир тизимида ремоделланиш жараёнларида индуцирланган агрегацияни тўхтатишга олиб келади. Бугунги кунда кенг қўлланиувчи ва энг катта исботланган базага эга антиагрегант восита ацетилсалацил кислота бўлиб, у циклооксигеназа – 1ни ингибирлайди ва кучли вазоконстриктор ҳисобланувчи тромбоксан А ни блоклайди.

ЮИКнинг иккиламчи профилактикаси (хавф омилларини пасайтириш, ташхислаш услубларининг сезувчанлигини ошириш, ўз вақтида доридармонлар билан даволаш) бажарилишига қарамасдан баъзи беморлар тоифасида юрак-қон томир ҳодисалари – МИ, мия қон айланишининг ўткир бузилиши, тўсатдан ўлим ҳолатлари кузатилади. Мана шу феномен – ўз негизида АСКнинг тромбоксан A2 синтезини бостириши, шунингдек, тромбоцитлар агрегациясини пасайтириши ва шу орқали тромботик асоратлар ривожланиши олдини олиш хусусиятини йўқолишини ифоловчи “аспирин резистентлик” ҳолати саналади.

Аспирин резистентлик ҳолатининг юрак ишемияси касалликлари асоратлари ривожланишидаги ўрни кўплаб тадқиқотларда ўз исботини топган. Кўплаб олимларнинг илмий ишларида аспиринрезистентлик ҳолати бўйича юрак-қон томир касалликларининг ўткир турлари ва асоратларининг маълум бири билан касалланган bemорлар гурухида тадқиқотлар олиб борилган. Бу изланишларда аспиринни қисқа муддат қабул қилган bemорларда тромбоцитлар агрегацияси ҳолати ўрганилган. Олиб борилган ушбу тадқиқотда эса юрак ишемияси касаллигининг сурункали тури – турғун зўриқиши стенокардияси билан касалланиб узоқ муддат давомида (йиллаб)

аспирин қабул қилиб келаётган ва ҳамроҳ касалликлар ҳам аниқланган беморлар гурухида олиб борилди. Бунда тромбоцитлар агрегацияси ва аспирин резистентликка таъсир кўрсатувчи ўзгартирса бўладиган ва ўзгартириб бўлмайдиган хавф омиллари ҳам алоҳида ўрганилди.

Сўнгги йилларда узоқ муддат давомида кичик дозаларда АСК қабул қилган bemорларда аспирин резистентлик пайдо бўлишини тасдиқловчи далиллар сони ортиб бормокда. П.П. Огурцов ва ҳаммуаллифлари фикрича (2012), аспирин резистентлик қайд этилган bemорлар сонининг ортиши аспирин қабул қилиш давомийлиги ва юқори даражадаги ишончлилик аппроксимацияси билан боғлиқ ( $R^2 = 0,9063$ ). Аспирин резистент bemорлар башорати 2 йилдан сўнг 70%ни ташкил қиласди [44; 116–121-б.].

Тадқиқотимиз натижаларига кўра, ЮИК ТЗС II-III ФС билан оғриган bemорларнинг АСК қабул қилган ва қилмаган гурухларида спонтан ва индукторнинг юқори концентрацияси (5,0 мкмоль АДФ) таъсир қилган тромбоцитлар агрегацияси ўзгаришлари кўпроқ кузатилди ва тромбоцитлар агрегацион хусусиятларининг ҳам спонтан, ҳам АДФ-индуцирланган кўринишида статистик ишончли ошишига олиб келди.

Эътиборли жиҳати аспирин узоқ муддат давомида қабул қилинганда (айниқса, 5 йилдан ортиқ муддатда) қиска муддат АСК қабул қилган bemорларга нисбатан тромбоцитлар агрегацион қобилиятининг ҳам спонтан, ҳам 5,0 мкм АДФ-индуцирланган кўринишида ошишига олиб келди ( $p<0,05$ ). Патофизиологик механизми бўйича АСКни узоқ муддат давомида қабул қилиш фонида пайдо бўлган агрегацион аспиринга резистентлик ҳолати конформацион бўлиши ёки тромбоцитопоэз даврида циклооксигеназа ферментининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, ушбу ферментнинг АСК билан ўзаро таъсири бузилишига олиб келиши мумкин.

Л.И. Бурячковский ва ҳаммуаллифлари фикрича (2011), индуцирланган тромбоцитлар агрегациясининг пасайиши антиагрегантнинг АДФ-индуцирланган агрегацияга кўпроқтва спонтан агрегацияга камроқ таъсир қилиши билан боғлиқ [8; 677–684-б.]. Шунингдек, агар тромбоцитлар узоқ

муддат кучли стимуляцияга учраса, уларнинг қайтмас фаоллашуви содир бўлади. Бу вазиятда тромбоцит бошқа хужайралар ёки хужайрадан ташқари тузилмаларга бирикади, умумий дегрануляция содир бўлади ва ички таркиб секрецияси юзага келади. Агарда қайтмас фаоллашувга эга тромбоцитларнинг массив пайдо бўлиши содир бўлса, барча индукторларда ишончли пасайиш кузатилади. Микроскопияда катта миқдорда деформацияланган тромбоцитлар регистрация қилинади [9; 76-б.]. Лекин ушбу факт, яъни АСК препаратини қабул қилиш фонида беморларда катта миқдордаги гиперагрегация мавжудлиги тромбоген потенциалнинг пастлигидан далолат беради. АДФ-индуцирланган агрегацияли тромбоцитоз миокард инфаркти ва тўсатдан ўлим содир бўлишига олиб келиши ва тромбоцитлар спонтан агрегацияси кўрсаткичи қайта миокард инфаркти ҳамда тўсатдан ўлим хавфининг ишончли маркери бўлиши мумкин [43; 30–35-б.].

Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида юрак ишемик касаллиги билан оғриган ҳамда АСК қабул қилмаган ва узоқ муддат давомида АСК қабул қилган беморларда турли кўринишдаги тромбоцитлар агрегацияси бузилишлари аниқланди. Кузатишлар давомида АСК қабул қилган беморларда спонтан ёки АДФ-индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ошиши деярли ҳар тўрттадан битта беморда аниқланди. Спонтан гиперреактивликнинг АСК қабул қилаётган беморларда ҳам сақланиб қолиши тромбоген хавфни келтириб чиқаришидан далолат беради. Олинган натижалар ишемик ҳодисалар билан қон-томир тромбоцитар гемостази ўртасидаги боғлиқликни тасдиқлайди. Бу айниқса Ўзбекистон шароитида иссиқ иқлим таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин.

АСКга резистентликнинг кенг тарқалган сабабларидан бири бу дори қабули бўйича тавсияларга тўғри амал қилмаслиқdir. Юрак қон-томир касалликлари мавжуд узоқ муддат АСК қабул қилувчи bemорларнинг катта қисмида (44-71%) АСКни профилактик қабули етарли даражада бўлмайди [131; 194-б.]. Бу эса антиагрегант таъсирнинг камайиши ва юрак қон-томир

асоратлари ривожланиш хавфини деярли 2-3 баравар ошишига олиб келади. Бизнинг тадқиқотимизда, беморларнинг антиагрегант давога мувофиқлиги текширилганда 27,1% беморларда АСК қабули бўйича шифокор тавсияларига етарлича амал қилмаслик аниқланди.

Тадқиқотга жалб этилган АСК қабул қилган беморларнинг 32,6%ида ушбу препаратга нисбатан резистентлик ва 67,3%ида АСКга сезгирик аниқланди. Шаклланган икки груп: АСКга резистент ва АСКга сезгирик беморлар грухидаги клиник-лаборатор кўрсаткичлар қиёслама ўрганилди. Тадқиқот натижаларига кўра, аспиринга резистент ва аспиринга сезгирик беморлар грухидаги клиник жиҳатдан статистик аҳамиятли фарқланишлар аниқланмади. Аммо ЮИКга хос клиник белгиларнинг аспиринга резистент беморларда аспиринга сезгирик беморларга қараганда яққолроқ намоён бўлиши ушбу груп беморларда касалликнинг бироз оғирроқ кечишини ва ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатишни англаш мумкин.

Адабиётларда АСК препаратининг турли ёшдаги беморларни даволаш самарадорлиги борасида қарама-қарши фикрлар баён этилган. Марцевич С.Ю. ва хаммуаллифлар томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра ёш ва тромбоцитлар агрегацияси ўртасида ишончли статистик корреляцион боғлиқлик аниқланмаган [33; 362–366-б.]. Бошқа тадқиқот натижаларида эса кекса ёшдаги беморларда аспириннинг антитромбоцитар самараси қийинроқ намоён бўлиши қайд этилган. Elsenberg E. H. ва бошқалар томонидан ўтказилган тадқиқотларда 36 ёшдан 60 ёшгача беморларда турли хилдаги индукторлар ёрдамида ўтказилган тромбоцитлар агрегацияси ёш ортиши билан мос равища ошиб бориши аниқланган [43; 30–35-б., 45; 12–14-б., 93; 719–727-б.].

Ушбу тадқиқотлардан олинган натижалар, ёш ортиб бориши билан тромбоцитар Р-селектинга эга тромбоцитлар сони ҳам ошиб боришини тасдиқлади. Маълумки, тромбоцитлар бирор юза билан тўқнашганда фаоллашади. Бунда тромбоцитар Р-селектин ҳужайра юзасига ўтади ва тромбоцитларнинг шикастланган эндотелий юзаси адгезиясига сабабчи

бўлади ҳамда янги тромбоцитлар фаоллашувига олиб келади.

Тадқиқотимизда ёш ўтиши билан АСКнинг антиагрегант самарадорлиги яққол пасайиши кузатилди ва натижалар адабиётлардаги маълумотлар билан тўғри келди [33; 362–366-б., 43; 30–35-б., 56; 22-б., 93; 719–727-б.]. Бу, айниқса, кекса ёшдаги аёлларда сезиларли бўлди. Шунингдек, аҳамиятли кўрсаткичлар эркакларга нисбатан ортиқча тана вазнига эга аёлларда кўпроқ кузатилди. Бунда спонтан агрегация  $1,63\pm0,07$  ( $p<0,05$ ), 1,0 мкмоль АДФ қўлланилганда  $15,39\pm1,04$  ( $p<0,01$ ) ва 5,0 мкмоль концентрацияда қўлланилганда  $54,59\pm2,37$  ( $p<0,01$ ) тромбоцитлар функционал фаоллиги ошиши статистик аҳамиятли бўлди. Шунингдек, тромбоцитлар агрегацияси ва беморлар ёши ўртасидаги корреляцион боғланишлар ўрганилганда ўзаро ишончли корреляцион боғланишлар спонтан агрегация ( $r=0,157$ ) ( $p<0,05$ ) ва 5,0 мкмоль АДФ-индуцирланган агрегацияда ( $r=0,298$ ) ( $p<0,05$ ) аниқланди.

Эркак ва аёлларда АСК самарадорлиги бир хил эмаслиги клиник тадқиқотлар метатаҳлилида қайд этилган [11; 20-б., 74; 306–313-б.]. Тромбоцитларнинг функционал фаоллигидаги гендер фарқланишлар липолитик ва антиоксидант самарали эстрадиолларнинг ҳимоя хусусиятига боғлиқлиги билан тушунтирилади [146; 606–612-б.]. Эстрогенларнинг ҳимоя механизми биринчи навбатда ЮЗЛП даражаси, ПЗЛП парчаланишини тезлатиш, антиоксидант самарани меъёрий ҳолда сақлаб туришга хизмат қиласи. Кўплаб муаллифлар фикрича, эркакларда аёлларга нисбатан тромбоген потенциал фаоллик эрта ёшда кузатилади [22; 41–43-б.].

Тадқиқотимизда ЮИК ТЗС II-III ФС билан оғриган беморларда тромбоцитлар агрегациясининг гендер хусусиятлари ўрганилганда, антиагрегант терапия олган аёлларда эркакларга қараганда тромбоцитлар агрегациясининг барча кўрсаткичлари юкори эканлиги аниқланди. Аммо, гурухлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқланишлар аниқланмади ( $p>0,05$ ). Жинсга боғлиқ ҳолда тромбоцитлар агрегацияси фарқи бўйича

ушбу тадқиқотдан олинган натижалар адабиётлар маълумотлариға зид келмади ва тромбоцитларнинг дастлабки реактивлигига мойиллик аёлларда олдиндан мавжудлигини кўрсатди.

Маълумки, чекиш юрак-қон томир касалликлари хавф омили сифатида организмда қатор патологик ўзгаришларга сабаб бўлади. Қон-томир асоратлари ривожланишида чекишнинг негатив таъсири исботланган [126; 3031–3038-б.]. Чекиш эндотелиал дисфункция, дислипидемия, тромбоцитлар фаоллашуви ортишига, атеротромбоз ва инсулинрезистентликка олиб келади [159; 2654–2664-б., 88; 309–311-б.]. Чекиш гиперкоагуляция ва физиологик антикоагулянтлар даражасининг пасайишига сабаб бўлади. Унинг таъсирида тромбоцитлар агрегациясининг ошиши, қон айланиш тизимида микроагрегатларнинг ошиши, плазминоган ингибитори активаторининг концентрацияси ошиши ва катта шохли шаклли эритроцитлар ҳисобига компенсатор эритроцитоз ҳамда қон қуюшқоқлигининг ошиши юзага келади [65; 23–29-б.]. Шу туфайли чекиш ҳам ЮИК билан оғриган беморларда касалликнинг авж олиши ва асоратлар ривожланишига сабаб бўлавчи тромбогенез ҳамда эндотелиал дисфункция пайдо бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Сигерет тутуни ўзида ёғ кислоталари ва триглицеридлар даражасини ўзгартирувчи, липолиз, липидлар перекисли оксидланиш жараёнларини фаолластирувчи, эндоген антиоксидантлар ва антипероксидазали ферментларни камайтирувчи моддалар сақлайди. Улар таъсирида артериал қон босими кўтарилади, юрак қисқаришлар сони ортади. Чекиш натижасида қоннинг қуюшқоқлиги, фибриноген, гемотокрит ва тромбоцитлар агрегацион фаоллиги ошиши содир бўлади [65; 23–29-б.].

Ушбу тадқиқотда ЮИК билан оғриган АСК қабул қилувчи чекувчи bemорларда чекиш хавф омили мавжуд бўлмаган bemорларга нисбатан тромбоцитларнинг агрегацион фаоллиги юқори бўлди. Ушбу тадқиқотни амалга ошириш жараёнида олинган натижалар Д.Ф.Меситская томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари билан ўхшашликка эга бўлди, аммо, тадқиқотда клопидогрелга резистентлик билан чекиш ўртасида ўзаро

боғлиқлик аниқланмаган эди [34; 516–521-б.].

Маълумки, семизликдан азият чекувчиларда атеросклероз 65% ҳолатда, тож томирлар атеросклерозининг бевосита оқибати бўлган миокард инфаркти эса нормал тана вазнига қараганда 4–5 марта кўп учрайди (Lau D.W. et al., 2007). Бундан ташқари семизлик қандли диабет ва артериал гипертензия ривожланишида ҳам асосий хавф омилларидан бири ҳисобланади ҳамда ўлим кўрсаткичларининг ортишига олиб келади [4; 216–221-б.]. ЮИК билан оғриган bemорларда спонтан ва АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ҳамда bemорлар тана вазни ўртасида боғлиқлик аниқланди. Ортиқча тана вазнига эга bemорларда тромбоцитлар функционал фаоллигининг бузилиши улардаги яққол оксидланиш стресси, инсулинга резистентлик ва гиперинсулинемия билан боғлиқ бўлиши мумкин. Маълумки, инсулин физиологик концентрацияларда циклик АМФ даражасининг ошиши ва тромбоцитларнинг простагландин Е1 билан боғланишини стимуляция қилиши орқали тромбоцитларнинг индукторларга сезгирилиги пасайишига олиб келади. Бундан ташқари инсулиннинг антиагрегант самараси тромбоцитлардаги NO-индуцирланган циклик ГМФ даражасининг ошиши билан ҳам боғлиқ бўлиб, бу самара инсулинрезистент bemорларда кузатилмайди [53; 30–34-б.].

Эпидемиологик тадқиқотлар натижаларига кўра семизлик тромбозлар ривожланишининг хавф омили саналади. Ички аъзолар ёғ тўқимасининг юқори метаболик фаоллиги липидларнинг перекисли оксидланишига сабаб бўлади ва дислипидемия ривожланиши, эндотелиал дисфункция юзага келиши ҳамда бунинг натижасида тромб ҳосил бўлиш жараёнларининг жадал авж олишига сабаб бўлади.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, семизликдан азият чекаётган ЮИК ТЗС II-III ФС билан оғриган bemорларда тромбоцитларнинг анча юқори спонтан агрегацияси ва АДФ-индуцирланган агрегация кузатилди. Таъкидлаш жоизки, семизликнинг турли даражалари қайд этилган bemорларда семизлик аниқланмаган шахсларга нисбатан спонтан агрегация

кўрсаткичлари (мос равища  $1,71\pm0,09$  ва  $1,48\pm0,07$ ,  $p<0,05$ ) ва АДФ концентрацияси 5,0 мкмоль бўлганда тромбоцитларнинг АДФ-индуцирланган агрегацияси статистик ишончли юқори бўлди (мос равища  $63,13\pm3,25$  ва  $43,47\pm2,5$ ,  $p<0,05$ ).

Шунингдек, ортиқча тана вазни қайд этилган беморлар гуруҳида ўтказилган корреляцион таҳлил спонтан агрегация ва тана вазни индеки ўртасида кучсиз мусбат корреляцион боғлиқликни ( $r=0,249$ ,  $p<0,05$ ), ҳамда 5,0 мкмоль АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси ва тана вазни индекси ўртасида ўртача кучли мусбат корреляцион боғланиш мавжудлигини кўрсатди ( $r=0,433$ ,  $p<0,05$ ). Олиб борилган ушбу тадқиқотдан олинган натижалар Е.В. Щипанова натижалари билан ўхшашликка эга бўлди (тадқиқотда метаболик синдромли беморларда тромбоцитлар гиперфаоллиги липидлар пероксидацияси фаоллиги ошиши ва ёшга боғлиқ бўлмаган ҳолда семизлик мавжуд бўлганда кузатилди) [63; 5-б.]. Ортиқча тана вазнининг бошқа кардиоваскуляр хавф омиллари билан боғлиқлигини ҳисобга олганда, тромбоцитлар агрегацияси ошишининг семизлик билан кечувчи метаболик бузилишлар билан боғлиқлигини тахмин қилиш мумкин бўлади.

